

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА  
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**«Умумий тарих» КАФЕДРАСИ**

**Аҳмедов Тохирнинг**

5220200 - тарих таълим йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш учун

**“XX аср иккинчи ярмида Араб дунёсидаги интеграция жараёнлари”**

мавзусидаги

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ**

**ИШИ**

Раҳбар: доц. Аюпов А. ГулДУ.

Гулистон – 2009

## **Р Е Ж А**

### **КИРИШ**

### **I БОБ. ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАН СЎНГ АРАБ ДУНЁСИДАГИ ВАЗИЯТ**

**1.1. Араб давлатларининг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий аҳволи.**

**1.2. Араб давлатлари халқаро муносабатлар тизимида.**

### **II БОБ. XX АСР ИККИНЧИ ЯРМИДА АРАБ ДУНЁСИДАГИ ИЛҒОР ЎЗГАРИШЛАР**

**2.1. Сиёсий соҳадаги умумараб интеграцияси.**

**2.2. Араб дунёсининг иқтисодий, маданий, маърифий, жабҳалардаги ҳамкорлиги.**

### **ХУЛОСА**

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш жадал давом этаётган ҳозирги даврда хорижий давлатларда бўлиб ўтган иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий жараёнларни, минтақавий вазиятни атрофлича таҳлил этиш, ўрганиш, тегишли хулосаларни чиқариш муҳим аҳамият касб этади. Жаҳоннинг юксак тараққий этган давлатлари қаторида ривожланиб бораётган араб давлатлари босиб ўтган тараққиёт йўлини, ички ва ташқи муаммоларни ҳал қилиш йўллари ўрганиш ва улар билан ўзаро алоқаларни йўлга қўйиш ҳам Ўзбекистон учун манфаатлидир. Жумладан, XX асрнинг иккинчи ярмидан кейин Арабистон ярим ороли ва Яқин Шарқда мустақил тараққиёт йўлини танлаган араб давлатларидаги иқтисодий ривожланиш, хорижий сармоядорлар билан ҳамкорлик қилиш тажрибасини ўрганиб чиқиш, мазкур давлатларда исломнинг сиёсийлашуви, диний экстремизмга қарши кураш йўлида амалга оширилган ва оширилаётган чора-тадбирларни ўрганиш ва миллий шароитимизда тадбиқ этиш ҳам мақсадга мувофиқ. Арабистон ярим ороли ва Яқин Шарқ минтақасининг тарихий аҳамияти Европа, Осий ва Африка халқларининг иқтисодий ва ижтимоий муносабатларида тутган муҳим ўрни билан белгиланади. Хусусан, шакар, турли зираворлар, порох, қоғоз ва компас Европа қитъасига илк бор Яқин Шарқ орқали етиб келгани маълум, қолаверса, бу ўлка Юнон ва Ҳинд фалсафаси ҳамда илмий ғояларини тўлдирган ҳолда Ғарбга етказиб берган учта дин-яхудийлик, христианлик ва исломнинг ватани, Форс, Юнон, Рим, Араб, Мўғул ва Турк императорларининг асосий манфаатларини мужассамлаштирган марказ вазифасини ўтаб келган<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Авторлар коллегияси “Заковат силсиласи”// Тафаккур 2001 № 1 46.Б

Бошқача айтганда, бу минтақа Африка, Осиё ва Европа халқларини географик жиҳатдан бирлаштириб турган ўлкадир. Мазкур минтақа асрлар мобайнида қитъалараро савдо маркази бўлиб келган. Айниқса, XX асрда Ҳиндистонга яқин йўл топилган даврдан бошлаб Европада унинг аҳамияти янада ошди. Минтақанинг муҳим геостратегик аҳамиятга эга бўлган сув йўллари-Сувайш канали, Қизил денгиз, Баб-ал-Мандиб, Турк, Хормуз бўғози ҳамда Форс кўрфази йирик давлатларнинг диққат марказида бўлиб келган<sup>1</sup>.

Минтақанинг йирик энергетик захиралари Ғарб мамлакатлари ва Япония саноатини бу минтақа билан чамбарчас боғлаган. Минтақанинг денгиз ҳамда ҳаво йўллари унинг жаҳон коммуникация тизимидаги мавқеини оширмоқда. Ана шу омиллар Араб давлатларининг жаҳон ҳамжамиятига нуфузли ўрин эгаллашигина эмас, балки минтақа хавфсизлигини таъминлашда ҳам ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Зеро, Президентимиз Ислон Каримов айтганидек “Ҳар бир минтақа хавфсизлигини таъминлаш муаммолари муайян моҳиятга эга. Шунингдек, ҳар бир минтақанинг ўз хусусиятлари, ўз таҳдид манбалари ва хавфсизлигини сақлаш омиллари бор”<sup>1</sup>.

Бинобарин, Яқин Шарқ хавфсизлигини таъминлаш масаласини, умумжаҳон миқёсига кўтарган ана шундай омиллардан бири минтақанинг муҳим геостратегик мавқеи ва унинг энергетик захираларидар. Табиий ёқилғи захираларининг жаҳон саноатидаги аҳамияти ошиб бориши, нефть нархининг кескин ўзгариб (одатда кўтарилиб) туриши, ОПЕК (Нефть экспорт қилувчи араб давлатлари ташкилоти)нинг ташкил этилиши, шунингдек 1973 ва 1982 йиллардаги Форс кўрфазидаги инқироз бу минтақага нисбатан халқаро доирада диққат эътиборнинг янада ошишига сабаб бўлди. Исроил-Араб муаммоларининг ғарблик тадқиқотчиси Жон Бадеу “Совуқ уруш” даврида “АҚШ ва Ғарбий Европа учун энг муҳими, Арабистон ярим оролини

---

<sup>1</sup> С.Ғафуров “Манфаатларни туташтирган минтақа”// Тафаккур 2001 №3 117.Б

<sup>1</sup> И.Каримов “Хавсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида” Т: “Ўзбекистон” 1998 йил 37.Б.

бирор қудратли давлатлар томонидан тазийққа олинишга йўл қўймасликдир, Фарбнинг Совет Игтифоқи ва ҳозирги кунда Ироққа қарши курашининг асосий сабаби ҳам иқтисодий манфаатлар ҳимояси ва сиёсий ҳукмрон мавқени бой бермасликка интилиши билан изоҳланади” деб ёзган эди<sup>2</sup>.

Демак, Арабистон ярим ороли, Яқин Шарқ, Форс кўрфази минтақасининг сиёсатшунос ва иқтисодчи олимлар изланишларида марказий ўрин тутиб келаётгани тасодифий ҳол эмас. Зеро, замонлар, давлат тузумлари, мафкуралар, сиёсий қарашлар ўзгаришига қарамасдан, иқтисодий ва молиявий имкониятлари ҳамда геостратегик мавқеи билан бу минтақанинг умумжаҳон тараққиётидаги аҳамияти сақланиб қолаверади.

Араб дунёсидаги бугунги ютуқлар, муаммолар, зиддиятлар ва кескин ўзгаришлар, турли жабҳалардаги умумараб интеграциясининг шаклланиши XX асрнинг иккинчи ярмига бориб тақалади. Шунинг учун ҳам Араб дунёсининг XX аср иккинчи ярмидаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий аҳволини ва турли жабҳалардаги интеграция жараёнларини ўрганиш ва тегишли хулосалар чиқариш муҳим аҳамият касб этади.

Мен ҳам шу мақсадда **“XX аср иккинчи ярмида Араб дунёсидаги интеграция жараёнлари”** мавзусидаги битирув малакавий ишини ёздим.

**Мавзунинг долзарблиги** шундаки, иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда араб давлатларининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий аҳволи, уларнинг олдида турган долзарб муаммолар ва бу муаммоларни ҳал қилиш ва тараққиёт учун зарур имкониятлардан унумли фойдаланиш мақсадида сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий жабҳалардаги интеграция жараёнларини ва бу интеграциянинг аҳамиятини ўрганиш, ички ва ташқи сиёсати тинчликсеварлик ва умуинсоний қадриятларни улуғлашга асосланган республикамиз учун ҳам катта аҳамиятга эга.

---

<sup>2</sup> www.dipomatuc.ru Нартов Н. “Геополитика” М., “Юнити” 2000, стр 187

**Битирув-малакавий ишнинг мақсад ва вазифалари:** XX аср иккинчи ярмида араб давлатларининг мустақилликка эришиши, уларнинг ўтиш давридаги ички ва ташқи аҳволи, турли жабҳалардаги интеграциялашувнинг аҳамияти ва халқаро муносабатларга таъсирини тегишли адабиётлар ва замонавий фактлар асосида таҳлил қилиш.

**Ишдаги илмий янгиликлар ва эришилган ютуқлар:** аввалом бор мавзу эски Совет руҳида эмас, балки ҳолисона, тарихий фактлар ва илмий билиш усулларида фойдаланилган ҳолда ёритилган. БМИда ислом феномени ва унинг умумараб интеграциясига таъсири, шунингдек, турли жабҳалардаги интеграциялашув ва бу борадаги эришилган ютуқлар замонавий фактлар, маълумотлар асосида ёритилган.

БМИ кириш, икки боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

**Кириш** қисмида БМИнинг мақсад ва вазифалари, таркибий тузилиши, мазмуни ва моҳиятига умумий баҳо берилган.

**I БОБда,** иккинчи жаҳон урушидан сўнг араб давлатларини мустақилликка эришиши, уларнинг олдида турган муаммоларни сиёсий, диний, ҳудудий зиддиятлар, совуқ урушнинг Арабистон ярим оролига таъсири, Шимолий Африкадаги араб давлатларининг ички ва ташқи аҳволи, шунингдек, араб давлатларининг тараққиёт моделлари батафсил ёритилган.

**II БОБда,** XX аср иккинчи ярмида араб дунёсидаги илғор ўзгаришлар, Осиё ва Африкадаги араб давлатларининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ҳудудий муаммоларни ҳал қилиш ва тараққиёт имкониятларини бирлаштириш учун турли жабҳаларда интеграциялашуви, умумараб минтақавий ташкилотларининг ташкил топиш ва фаолияти, интеграция жараёнининг аҳамияти, эришилган ютуқлар ва араб давлатларини халқаро муносабатлар тизимидаги ўрни атрофлича ёритилган.

**Хулоса қисмида** ҳар иккала бобни таҳлил қилиш юзасидан келиб чиққан умумий фикрлар, қиёсий таҳлиллар, шарҳлар, изоҳлар ифодаланган.

Шунингдек, мавзуни ўрганиш мобайнида юзага келган умумий фикрлар, қарашлар, таклиф ва тавсиялар ўз ифодасини топган.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхатида** мавзуни ёритишда фойдаланилган асарлар, илмий тўпламлар, газета ва журналлар, интернет тармоғидан олинган адабиётлар кўрсатиб ўтилган.

БМИда келтирилган маълумотлар, фактлар ва янгича қарашлар, таклиф ва тавсиялар факультетимзда ушбу мавзуга оид фанлардан семинар ва маъруза машғулотларига тайёргарлик кўриш жараёнида, тегишли кейинги тадқиқотларда талабалар учун ўзига хос адабиёт вазифасини ўташидан умидвормиз. Бундан ташқари, мазкур БМИ факультет талабалари учун “Энг янги тарих”, “Халқаро муносабатлар ва дипломатия тарихи” “Сиёсатшунослик”, “Геосиёсат” каби бир қатор фанлардан семинар машғулотларига, мустақил иш, реферат, курс ишлар ёзилишларида, лицей ва коллежларнинг “Энг янги тарих” фани ўқитувчилари учун қўшимча маълумотлар берувчи манба сифатида хизмат қилади.

БМИни ёзилишида асосан В.А.Исаев, В.В Наушкинларнинг “Арабский мир” (М. “Наука” 1990), Вобликов Д.Р., Кинтев С.П.ларнинг “Новейшая история арабских стран” (М “Наука” 1967), П.Кольвокоресси “Мировая политика после 1945 года” (М “Международные отношения”, 2000) ва бошқа асарлардан фойдаланилди.

## **I БОБ. ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАН СЎНГ АРАБ ДУНЁСИДАГИ ВАЗИЯТ**

### **1.1. Араб давлатларининг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий аҳволи**

Арабистон ярим ороли Осиёдаги энг йирик ярим орол бўлиб, майдони 3 млн км.кв.га тенг. Ғарбда Қизил денгиз, жанубда Адан қўлтиғи ва Арабистон денгизи, Шарқда Уммон ва Форс қўлтиқлари билан ўралган. Ярим

оролда Бирлашган Араб Амирлиги, Саудия Арабистони, Оман, Қувайт, Қатар, Уммон давлатлари, Ироқ ва Иорданиянинг бир қисми жойлашган<sup>1</sup>.

Бу давлатларнинг барчаси узоқ вақтлар мобайнида Ғарб давлатларининг мустамлакаси бўлиб келган. Айниқса I-жаҳон урушида Германия ва Туркия иттифоқининг мағлубиятга учраши натижасида Араб давлатлари Версаль шартномаси қарорларига кўра Англия ва Франция протекторати остига ўтди. Қувайт, Қатар, Яман, Баҳрайн эсаа Буюк Британия протекторлигига ўтди. Арабистон ярим ороли мамлакатлари ёқилғи, энергетика базаси бой, шунингдек, Ўрта Шарқ ва Африкага борадиган муҳим йўллар устида жойлашгани учун ўзига хос қулай географик-сиёсий минтақа бўлиб, ҳар доим йирик давлатларнинг тўқнашадиган ҳудуд ҳисобланади. Бундан ташқари, азалдан араб давлатлари ўртасида минтақада ғоявий, сиёсий, иқтисодий жиҳатдан гегемон бўлишга интилиши учун рақобат борарди. Табиийки, бу рақобатларга яна диний зиддиятлар ҳам қўшилиб янада кескинлашди. Минтақадаги мана шундай тарихий воқелик минтақавий вазиятнинг кейинги даврларига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг бутун дунёдаги ривожланаётган, “учинчи дунё” деб ном олган қисми каби Араб дунёсини ҳам миллий-озодлик ҳаракатлари қамраб олди. Бу ерда мустамлакачилик тизимига қарши кураш жараёнида илғор ижтимоий, маърифий, маданий, сиёсий ўзгаришлар юзага келиб, миллий-озодлик ҳаракатларининг мувафақиятларига самарали таъсир кўрсатди. Минтақада ҳукмронлик мавқеини сақлаб қолиш ниятида бўлган Англия ва урушдан сўнг дунёнинг энг қудратли давлатига айланган ҳамда минтақада ўзига мос тартибни яратишга ҳаракат қилаётган АҚШ араб дунёсида илғор ўзгаришларнинг олдини олиш учун янгича чора-тадбирлар ва найрангларни амалга оширишга ҳаракат қиларди. Шунинг учун бу давлатлар минтақадаги анъанавий сиёсий, диний зиддиятлардан унумли фойдаланиб ҳаракат қилдилар.

---

<sup>1</sup> “Ўзбекитон миллий энциклопедияси” Т: “Давлат миллий нашриёти” 2000 йил. 318 Б

1946-1949 йилларда Англия ҳукумати ўзининг қармоғидаги араб давлатларини бошқаришни осонлаштириш учун янги маъмурий сиёсий ислохотларни амалга оширди<sup>1</sup>.

Ислохотлар 1946 йил 21 декабрда Англия парламенти томонидан қабул қилинган қонунларда ўз ифодасини топди. Шунга кўра Қатар, Қувайт, Баҳрайн ва Омандаги инглиз судлари фаолиятини бирлаштириш ва ягона марказдан бошқариш жорий этилди. Бомбейдаги империя судининг бўлими ушбу ҳудудларга судлар фаолиятини бошқариш ваколатига эга бўлди. Янги қонунларга кўра маҳаллий инглиз судлари Англияга қарши исён кўтарган, фикр билдирганларни муқаддас Елена оролига сургун қиладиган бўлди. Англия мазкур давлатларни ўзига хос федерацияга бирлаштириш учун 1951 йил январ ойида божхона, валюта, полиция соҳаларини бирлаштириш ва умумий фаолият йўналишини белгиловчи лойиҳани қабул қилди. Лекин бу лойиҳанинг ижроси муваффақиятсиз яқунланди. Чунки таракқиёт даражаси турлича бўлган ва илғор ўзгаришлар яшашга ҳаракат қилаётган араб давлатлари Англиянинг ҳийлакор сиёсатига эргашмадилар. Шунга қарамасдан, Англиянинг иқтисодий, сиёсий, маъмурий соҳалардаги қонунчилик тизими ва тартиблари сақланиб қолди. Ички ва ташқи савдода ҳинд рупиясининг ўрни янада мустаҳкамланиб, араб давлатлари ва Ҳиндистон савдо алоқаларини ривожлантириш шу тарзда назорат қилинди. 1951 йил 19 мартда Англия қироли қарорига кўра Араб давлатларида Англияга қарши бош кўтарганларга қарши кескин чораларни амалга ошириш учун инглиз ҳарбийларига янада катта ваколатлар берилди, қуроли кучлар янада мустаҳкамланди.

Англия I-жаҳон урушидан кейин Араб давлатларини заифлаштириш учун сулолалар ўртасидаги урушни янада кучайтирган эди. Энг кучли ва нуфузли сулолалар Арабистондаги Саудийлар ва Трансиорданиядаги

---

<sup>1</sup> Ханов А. «Арабские княжества персидского залива в международных отношениях 1945-1953 гг.» М: Наука 1967. стр. 148

Ҳошимийлар ўртасида ҳар доим Макка ва Мадина каби мусулмон дунёсининг эътиқод марказларини эгаллаш ва мусулмон дунёсига маънавий раҳбарлик қилиш, бу ердан келадиган тушумларни қўлга киритиш борасида шиддатли кураш борарди. Ваҳҳобийлик ғоясини тарғиботчиси бўлган Ибн Сауд 1924 йил 16 октябрда ҳошимийларга кучли зарба бериб, Маккани, 1925 йил Ҳижозни эгаллаб ўзини Саудия Арабистони қироли деб эълон қилди ва мамлакатни 1953 йилгача бошқарди. Шу тариқа Саудия Арабистони араб халқларининг маънавий раҳнамосига айланди.

Янги марказлашган давлатда исломнинг асл ҳолида сақланиши ва мусулмон дунёсида ушбу мажбуриятни бажаришни тарғиб этувчи ваҳҳобийлик мафкураси ҳукмронлик қиларди.

Мамлакат иқтисодий тараққиёти 1933 йилдан бошланди. АҚШнинг нефтни қайта ишловчи “Стандарт Ойл” компанияси, 1935 йилда ташкил топган Араб-Америка нефть компанияси “АРАМКО” мамлакатда нефть қазиб чиқариш ва уни қайта ишлашни йўлга қўйиб жуда катта миқдорда даромад келтира бошлади. Йирик нефть захиралари араб давлатини халқаро меҳнат тақсимоти ва бозорига фаол кириб боришга туртки бўлди. АҚШ нефть компаниялари Саудия Арабистонига 1945 йил 5 млн, 1948 йил 50 млн, 1952 йил 212 млн долларлик даромад келтирди.

Лекин, шунга қарамасдан коррупция, суистеъмолчилик қулчилик сақланиб қолди<sup>1</sup>.

1946 йил 25 апрелда мустақиллик эълон қилган Иордания Ҳошимийлар қироллигида аҳвол батамом бошқача эди. Мустақиллик фақатгина қоғозда бўлиб, амалда ички ва ташқи сиёсат Англия манфаатларига бўйсунадиган ҳолда давом этарди.

Сурия ва Ливанда эса мустақиллик эълон қилинганига қарамасдан Франция ҳарбийлари ўз таъсирини сақлаб қолди. Англия учун араб ерларини ўз мулки сифатида сақлаб қолиш учун АҚШ капиталидан ҳимоя қилиш ҳам

ниҳоятда қийин муаммо бўлиб қолди. Чунки Англия АҚШга урушдан кейинги асосий қарздор давлат бўлишидан ташқари, Арабистон ярим оролида ҳукмронлик учун сиёсий, иқтисодий рақобатда унга умуман бас кела олмасди.

1948 йилга келиб АҚШ капитали ва нефть компаниялари Қувайтга ҳам кириб кела бошлади. Қувайт амири Аҳмад Жабар ас-Сабах Англия таъсиридан халос бўлиш ҳамда енгил ва оғир саноатни ривожлантириш учун АҚШ билан ҳар томонлама пухта ҳамкорликни йўлга қўйишни маъқул кўрди.

1950-1965 йиллар оралиғида амирлик қилган Абдуллоҳ ас-Салим ас-Сабох сиёсий мустақилликни қўлга киритиш учун ҳал қилувчи чораларни амалга оширишга ҳаракат қилди. Биринчи навбатда миллий бойлик ҳисобланган нефть саноати устидан ўз назоратини ўрнатишга ва бу соҳадан келаётган асосий даромадни давлат назоратига олиш, инглизлар таъсирини камайитириш тадбирлари амалга оширилди. Натижада даромад 1946 йил 280 минг фунт стерлингдан 1970 йилга келиб 70 млн. фунт стерлингга кўтарилди.

Англия Қувайтдаги Абдуллоҳ ҳокимиятини ағдариш учун қилган барча ҳаракатлари муваффақиятсиз яқунланди. 1953 йилга келиб Қувайт деярли Англия таъсиридан тўла халос бўлди.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Араб дунёси миллий-озодлик ҳаракатида исломнинг роли катта бўлди. Бу дин нафақат озодлик учун курашларнинг ташаббускори, балки сиёсий ҳаёт ва янгича тараққиёт йўлларини ҳам белгилаб берди.

Исломнинг фаоллашуви аввало бу динда юз берган жонланишда, араб халқлари ижтимоий, иқтисодий, маънавий ҳаётида унинг таъсири ва роли кучайиб бориш ва янгича замонга мосланишида (модернизм) намоён бўлди. Ғарб давлатларининг араб мамлакатларида узок вақт давомида ўз мустамлакачилик сиёсатини ўтказиб, бу халқларни Ғарбга хос тараққиёт

---

<sup>1</sup> Хидаятов Г.А. «Всемирная история» Т: 2000 й стр. 281

йўлига, маданиятига эргаштиришга зўр бериб ҳаракат қилиши араб дунёсини Ғарбга қарши ва унинг ахлоқсизроқ бўлган маънавиятига қарши миллийликни сақлаш учун диний ҳис-туйғулардан зўр бериб фойдаланишга мажбур бўлдилар. Бундан ташқари, араб дунёси худосизлик (атеизм) ғояларини тарқибот этувчи “коммунистик хатар”дан ҳимояланиш учун ҳам ўзига хос миллий исломий шариат нормаларининг замонавий шаклларига мослашган тараққиёт йўлидан бордилар.

Табиийки, бу ҳолат Араб давлатларини сиёсий ҳаётида диний руҳдаги партияларнинг фаоллашувига туртки бўлди. Мазкур партияларнинг энг йириклари 1975 йилда тузилган Баҳрайн халқ fronti, Иорданиядаги мусулмон биродарлари, 1954 йилда ташкил топган Ироқ Араб сациалистик уйғониш партияси ва бошқа диний радикал ташкилотлардир. Мазкур партиялар ўз мамлакатлари мустақиллигини таъминлаш, миллий ўзликни сақлаш, мусулмонлар дунёси бирдамлигини таъминлашни ўзларининг бош мақсадлари деб эълон қилдилар<sup>1</sup>.

Юқоридаги илғор тарихий ҳодисалар ислом динининг фаоллашуви, араб халқларида миллий ўзликни сақлаш ва дунёқарашнинг кучайиши, араб дунёсида Исроил ва Ғарб давлатларига қарши курашда ҳамкорликнинг илгаргига нисбатан мустаҳкамланиш Арабистон ярим ороли давлатларининг мустақил бўлишларини янада тезлаштирди. Биз буни мазкур давлатлардаги ўзгаришлар орқали ҳам билишимиз мумкин. Шунинг учун мазкур давлатларнинг урушдан кейинги тарихий ўзгаришлари хронологиясига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Араб дунёсининг сиёсий, иқтисодий, диний жиҳатдан ташаббускор бўлган ва минтақадаги ўзгаришларга кучли таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлган, шунингдек, АҚШ билан мустаҳкам алоқа ўрнатган Саудия Арабистони абсолют теократик монархия бошқарув шароитида давр мезонларидан келиб чиқиб илғор ислохотларни амалга оширди.

1964 йил 1 ноябрда подшоҳ бўлган Фейсал ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун саноатнинг асосий тармоғи бўлган нефть саноатини ривожлантириши учун “Петролий” нефть компаниясига асос солди. АҚШ билан келишилган ҳолда Баҳрайндаги нефть захираларининг умумий назорати Саудия Арабистонига ўтди.

Нефть саноатидан келаётган даромадлар ва АҚШ томонидан берилган молиявий ёрдамлар эвазига ижтимоий ҳимоя, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа соҳаларни тубдан ислоҳ қилинди.

1960 йилларнинг иккинчи ярмида Саудия Арабистони ташқи сиёсатнинг икки йўналишда бўлди. Бир томондан, мусулмон давлатлари Ислом пактини тузиб (1966) коммунизмга қарши ҳаракат қилган бўлса, иккинчи томондан, Исроил агрессиясига дучор бўлган араб мамлакатларига молиявий ёрдамлар берди. Саудия Арабистони араб дунёсида эски исломий тартибнинг сақланиб қолиш, подшолик, амирлик ҳокимиятининг ўзгармаслигини тарафдори бўлгани учун 1962 йил Шимолий Ямандаги монархияга қарши кўтарилган инқилобни бостиришга ҳаракат қилди.

1962 йил 26 сентябрда ташкил топган Яман Араб Республикаси президенти Абдуллоҳ Ас-Сапол араб дунёсини эски подшоҳ, амирлар бошқарувини ағдаришга даъват этди. Миср, Сурия каби республикалари буни қўллаб-қувватласаларда, монархия тарафдори бўлган Саудия Арабистони, Яман Республикасини тугатиш учун Шимолий Яманга қуролли интервенция уюштирди. Бу ердаги фуқаролар уруши 1970 йилгача давом этди<sup>1</sup>.

Ҳозирги Бирлашган Араб Амирликларини ягона федерацияга бирлашига йўл қўймаслик учун Англия ва АҚШ ҳукмрон доиралари амирликлар ўртасидаги ҳудудий ва сиёсий зиддиятларни кучайтиришга эътибор қаратди. Ҳар бир Амирлик Англия ёки АҚШ нефть магнатлари

---

<sup>1</sup> Сиёсий партиёлар справочник Т. Ўзбекистон. 1988. 9-12 бетлар

<sup>1</sup> Васильев А.М. История «Саудовской Аравии» М. «Наука» 1978. Стр.116-117

мадади билан қолган амирликларни ўз қўли остида бирлаштириб олиш учун бир-бирига қарши ҳарбий ҳаракатларни олиб бордилар. 1945-1948 йилларда такрорланиб турган Абу Даби ва Дубай амирликлари ўртасидаги тўқнашувлар мана шундай ташқи кучлар таъсирида бўлган эди. 1949-1954 йилларда Абу Даби Амирлиги ва Саудия Арабистони ўртасида нефть захирасига бой Раъс ул-Хайма амирлиги учун ўзаро тўқнашувлар бўлиб ўтди. Англия Абу Дабини, АҚШни эса Саудия Арабистонини қўллаб-қувватлади. 1954 йил 30 июл Жиддадаги келишувига кўра мазкур ҳудуднинг жанубидаги нефть захираси Саудия Арабистонига, шимолидаги захирадан фойдаланиш Абу Даби ихтиёрига топширилди.

Шу даврга келиб Амирликлар мустақил бўлиши учун бирлашиши зарурлигини тушуниб етдилар. Илғор зиёлилар, диндорларнинг, шунингдек, исломий даъватларнинг таъсирида бу ҳудудларда Англиянинг мустамлакачилик сиёсати ва бошқарувига қарши миллий-озодлик ҳаракатлари кучайиб борди.

Буюк Британиянинг ўз таъсирини сақлаб қолиш учун турли амирликлар, Баҳрайн ва Қатарни бирлаштириш ва ўзига бўйсунувчи федерация тузиш ҳаракатлари мувафақиятсиз якунланди. Миллий-озодлик ҳаракатлари натижасида Англия 1971 йилда бу ердан ўз армиясини олиб чиқди. 1971 йил 2 декабрда 6 та Амирлик (Абу Даби, Ажман, Дубай, Умм ул-Қувайн, Ал-Фужайра, Шаржа) президентлик бошқарувидаги суверен федератив давлат - Бирлашган Араб Амирликларини ташкил этилганлигини эълон қилди.

Шу йили 16 декабрда яна бир давлат - Баҳрайн ҳам Англия зулмидан озод бўлди. Янги давлатга 33 та орол кириб, Амир бошчилигидаги конституцион монархия усулида бошқариладиган бўлди. Бироқ амир ташқи дунё кучларининг аралашувидан, анъанавий бошқарувнинг кескин ўзгаришидан ҳадиксираб мамлакатда демократияни жорий этиш ишлари

сусайиб борди. 1975 йил Амирнинг фармониға мувофиқ парламент тарқатиб юборилди. Сиёсий партиялар ва қасаба уюшмалари фаолияти таъқиқланди.

Лекин, шунга қарамасдан, демократик жамият барпо этишни бош мақсад деб билган Баҳрайн миллий-озодлик fronti (1975) махфий фаолият олиб борди.

1932 йил ўзини расмий мустақил деб эълон қилган Ироқ амалда шу даврда Англия таъсирида эди. Урушдан кейин ўзига хос географик-сиёсий марказ бўлган Ироқдаги ўзгаришлар Араб дунёсида турлича тараққиёт йўллари синовдан ўтганлигидан далолат беради. 1941 йил октябрда Нур Саид раҳбарлигида янгича ҳукумат тузилди. Янги ҳукумат Англияга яқинлашгани учун халқнинг аҳволи янада оғирлашди. Араб-Исроил уруш даврида қатағон ва репрессиялар кучайди. Ташқи сиёсатда АҚШ билан яқинлашди. Ҳарбий сиёсий Блок СЕНТО (1954) тузилди. 1956 йил Ироқ армиясида “Озод зобитлар” номли яширин инқилобий ташкилот тузилди. 1957 йил Ироқ компартияси, миллий демократик партия, мустақиллик партияси ва Араб социалистик уйғониш партиясининг бирлашувидан Миллий Бирлик Frontи ташкил топди.

1958 йил 14 июлда Миллий Бирлик Frontи ва озод зобитлар миллий ва Англия зулмининг таянчи бўлган Подшоликни ағдариб Республика эълон қилдилар. Ҳарбий сиёсий Блок СЕНТО (Бағдод пакти) тугатилди. 1958 йил 26 июлда қабул қилинган конституцияда барча фуқоролар қонун олдида тенглиги, фуқороларнинг демократик эркинликлари эълон қилинди.

Лекин бундай ўзгаришлар ҳаммаси вақтинча эди. Чунки араб дунёсида шу даврда демократик ўзгаришларнинг рўй беришидан хавфсировчи эски ҳукмрон доиралар, бошқарувнинг муқобил варианти сифатида диктаторлик ёки бўлмаса диний мустабид бошқарув тизимини ўрнатишларга ҳаракат қилиш воқеаларнинг кейинги ривожига ўзининг салбий таъсирини кўрсатди. Бу Ироқ шароитида ҳам намоён бўлди.

Халқпарвар сиёсатга қарши бўлган хурофий кучлар Абул Қосим ҳукуматини ислоҳотлар ва ватанпарварларга қарши сиёсат юритишга мажбур этди.

1961 йил мустақиллик талаб қилиб чиқа бошлаган курдлар исёни бостирилди. Чунки Ироқ курдларга мустақиллик берадиган бўлса, минтақада Фаластиндагидек яъна бир ҳудудий, сиёсий зиддиятлар маркази пайдо бўлиб, Ироқ ва Араб давлатлари манфаатларига тўғри келмас эди. 1963 йил февралда давлат тўнтарилишидан сўнг ҳокимиятни БААС (Араб сацциалистик уйғониш партияси) нинг экстремистик раҳбарлари эгаллади. БААСнинг ўзи экстремистик ва демократик оқимларга бўлиниб кетди. 1963 йил ноябрда ҳокимиятни А.С.Ориф раҳбарлигидаги ҳарбийлар эгаллади. Бироқ, уларнинг ҳарбий бошқаруви ҳам ўзини оқламади. Халқ аҳволи янада оғирлашди. 1968 йилгача ҳокимият учун кураш тўхтатилди.

1968 йил июлда давлат тўнтарилиши натижасида ҳокимият Сенатор Ҳасан Ал-Бакр бошчилигидаги БААСга ўтди. Янги ҳукумат давр талаби билан бирмунча халқпарвар ислоҳотларни амалга оширди. Сиёсий маҳбуслар озод қилинди. Кенг кўламли ижтимоий дастурлар амалга оширилди. Курдларга кенг ҳуқуқлар берилиб, 1974 йил мартда Курдистон мухторияти тан олинди<sup>1</sup>.

Шуни ҳам алоҳида қайд этиш лозимки, урушдан сўнг араб дунёси ўзига хос ўтиш даврининг синовини бошидан кечирди. Араб жамиятидаги турли қатламлар турлича жамиятда яшашни орзу қилардилар. Ҳар бир одам ўз мавқеи, манфаати ва дунёқарашидан келиб чиқиб, турлича тараққиёт моделига овоз берарди. Эски консерватив кучлар (руҳонийлар, амирлар) монархия ёки диктатурани маъқулласалар, илғор зиёлилар, тадбиркор-бизнесменлар ва бошқа ўрта қатлам вакиллари либерал бозор муносабатларига асосланган ҳар томонлама эркин демократик тузум учун овоз берар, аҳволи ниҳоятда оғир бўлган қуйи қатлам вакиллари ўша

---

<sup>1</sup> Афияк М. На пути БААС. Бейрут. 1975. С 215.

даврдаги оммавийлашаётган тараққиёт йўли ижтимоий ҳимоя ва тенгликни тарғиб этувчи социализм учун овоз бердилар.

Мана шу ҳолнинг ўзиёқ Араб дунёсида турлича моделлар (ҳарбий, диний, президентлик демократик республикаси ва бошқалар)ни синовидан ўтишга сабаб бўлди. Тараққиёт моделларнинг тез-тез алмашинуви нафақат ички сабаблар, балки йирик давлатларнинг минтақада юритаётган сиёсати билан ҳам боғлиқ эди. Минтақадаги ўзгаришлар йирик давлатларни янгича ташқи сиёсат юритишга сабаб бўлиб, минтақа халқаро муносабатлар тизимида ўзига хос йирик давлатларнинг энг кучли рақобат маркази бўлиб қолди.

## **1.2. Араб давлатлари халқаро муносабатлар тизимида**

Иккинчи жаҳон урушидан кейин дунёдаги таъсир доираларини янгилашга бўлган ҳаракатлар анча интенсивлаша борди. Бундай ҳолат Арабистон ярим ороли ва Шимолий Африкадаги араб давлатларининг ички ва ташқи ишларида ҳам сезила борди.

АҚШ, Собиқ Совет Иттифоқи, Англия, Франция каби фашизм устидан ғалаба қозонган йирик давлатлар муҳим географик ва стратегик аҳамиятга эга бўлган Арабистон ярим оролида ўз таъсирини мустаҳкамлаш учун кескин рақобат олиб бордилар. Англия ва Франция минтақанинг эски хўжайинлари бўлиб, уларнинг асосий мақсади АҚШ ва СССР каби янги рақобатчилардан ўз мулкларини ҳимоя қилиш, ярим оролдаги миллий-озодлик ҳаракатларини бостириш ва ўз ҳукмронлигини сақлаб қолиш эди. Бу масалаларнинг ижобий ҳал этилиши учун улар барча чора-тадбирларни амалга ошириш бўлса, АҚШ ва СССР араб дунёсининг Англия ва Франция билан эски зиддиятларни кучайтириш, шу йўл билан, Англия ва Францияни заифлаштириш ва араб дунёсида ўзларининг янгича ҳукмронлик тартибларини қарор топтириш учун барча воситаларни ишга сола бошладилар.

Мазкур давлатлар ушбу мақсадларни рўёбга чиқариш учун араб дунёсида бўлаётган барча сиёсий, иқтисодий, маънавий ва маърифий ўзгаришлардан ва зиддиятлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилардилар.

Шуни ҳам алоҳида қайд этиш лозимки, урушдан сўнг дунёнинг энг кудратли давлатига айланган АҚШнинг ярим оролда таъсирини кучайтириш учун сиёсий, иқтисодий, молиявий, ҳарбий ва ғоявий имкониятларини ниҳоятда катта эди. Қолаверса, араб давлатлари Англия ва Франция зулмидан озод бўлиш, ҳар томонлама тараққий этиш учун АҚШнинг ҳар томонлама кўмагига муҳтож бўлиб қолган эди.

Ҳар қандай мустамлакачиликка ва зулмга қарши кураш, ижтимоий тенглик жамиятини (социализм) ўрнатишга даъват этаётган ва мавқеи ниҳоятда баланд бўлган собиқ Совет Иттифоқининг ҳам минтақада таъсирини кучайтириш йўлидаги ғоявий обрўси ва ҳарбий салоҳияти етарли эди.

Булардан ташқари, араб дунёсида Ғарб давлатлари ва Исроилга қарши курашиш учун, шунингдек тараққиётнинг советча моделини ўзларининг миллий шароитига мослаб синовдан ўтказишни ёқлаётган сиёсий, маърифий кучлари ҳам мавжуд бўлиб, минтақада Совет таъсирини кучайтиришга хизмат қилувчи омил ҳисобланарди. Демак, араб давлатларидаги маҳаллий доираларида эски тузум тарафдорлари яъни, Англия ва Францияни қўл остида ҳукмронлик қилиш, АҚШга эргашган ҳолда ички ва ташқи сиёсатни юритиш; ташқи сиёсатда Совет Иттифоқига эргашишни маъқулловчи ҳукмрон доиралар ҳам бўлиб, минтақадаги вазият ҳам шу кучларнинг тутган сиёсатига узвий боғлиқ эди<sup>1</sup>.

Бундан ташқари, тараққиёт йўлини танлашда на АҚШ, на Англия ва на Францияга эргашишни маъқулламайдиган, аксинча, бу жараённи миллий мустақилликка таҳдид деб билиб, араб давлатлари билан интеграциялаш ва

---

<sup>1</sup> Исаев В.А., Наушкин В.В. “Арабский мир” М: Наука 1990, стр. 230

тараққиётнинг Советча ва Ғарбча йўналишларининг яхши жиҳатларини ўзлаштириш ва миллий шароитга мослаш, яъни, ўзига хос замонавий исломий тараққиёт йўлидан боришга ҳаракат қилувчи гуруҳлар ҳам мавжуд бўлиб, улар йирик давлатларни ўзлари билан ҳисоблашишга мажбур этарди.

Юқорида санаб ўтилган араб дунёсидаги 4 та гуруҳлар ҳаракати араб давлатлари ички ва ташқи сиёсати, йирик давлатлар сиёсатига ҳам таъсир қилиб, минтақадаги халқаро муносабатларининг умумий аҳволини ҳам белгилаб берарди. Йирик давлатлар ичида ҳар томонлама кучли бўлган АҚШ Яқин Шарқ, Арабистон ярим ороли ва Шимолий Африкада ўзига мос режимларни ўрнатиш, миллий-озодлик ҳаракатларини бостириш ва коммунистик хатарга қарши курашиш учун ҳар томонлама фаол экспансия олиб борди. Бунинг учун биринчи навбатда минтақага Европа орқали олиб борувчи энг муҳим йўллар Ўртаер денгизи, шунингдек Греция ва Туркияни ўз таъсирига олишга қарор қилинди. Греция ва Туркияни эгаллаш ушбу худудлар орқали минтақага экспансия олиб борувчи рақиблар Англия ва Франция позициясини ҳам бўшаштирарди.

Шу мақсадда 1947 йил 12 мартда АҚШ Конгресси “Трумэн доктринаси”ни қабул қилди. Унга кўра, АҚШнинг эндигина мустақилликни кўлга киритаётган давлатларнинг ривожланиши ва ташқи душманлар (айниқса Совет хатари)дан ҳимояланиши учун моддий, молиявий, ҳарбий ёрдамлар бериши кўзда тутилди. Мана шундай илғор ғоялар орқали турли давлатлар ички ишларига аралаштириш ва шу блҳонада уларнинг ички ва ташқи сиёсатини ўзига бўйсиндириш Трумэн доктринасининг асл мақсади эди<sup>2</sup>.

Араб дунёси ички ишларига фаол аралаштириш учун шу йили Ўртаер денгизда 6-ҳарбий денгиз флоти жойлаштирилди. Греция ва Туркия устида “Коммунистик хатар” пайдо бўлганини баҳона қилиб, АҚШ бу мамлакатларнинг ҳукуматларига 400 млн. доллар миқдорида ёрдам кўрсатди. АҚШнинг араб давлатларини ўзига молиявий, сиёсий, ҳарбий жиҳатдан

қарам қилишдан яна бир мақсади Яқин Шарқдаги геостратегик иттифоқига арабларнинг асосий душмани Исроилнинг ҳам ҳавфсизлигини таъминлаш бўлди. Чунки АҚШга қарздор бўлиб қолган араб давлатлари Исроилга кучли зарба бера олмасдилар.

Англия ва Франция АҚШга молиявий жиҳатдан қарз бўлгани учун араб дунёсидаги миллий-озодлик ҳаракатларини бостиришга қийналаётгани учун ўз мулкларида таъсирини сақлаб қолиш йўлида АҚШга яқинлашишга мажбур бўлдилар. Бу давлатлар ҳеч бўлмаганда минтақадаги таъсирини АҚШ билан келишган ҳолда, унга ён босган ҳолда сақлаб қолишни маъқул кўришдилар.

1950 йил 25 май Лондонда АҚШ, Буюк Британия ва Франция “Учлар декларацияси”ни имзоладилар. Декларацияда араб давлатларида ўзига бўйсинувчи режимлар ҳавфсизлигини таъминлаш учун кучли армия барпо этиш кўзда тутилди. 1951 йил 24 майда АҚШ Конгресси араб давлатларига 540 млн. доллар молиявий ёрдам ажратди. Мазкур ёрдамнинг 250 млн доллари ҳарбий соҳани оёққа турғозиш учун, 160 млн доллари иқтисодий ривожлантириш учун сарфланди.

Бу даврда барча араб давлатларида мустамлакачиликнинг таянчи бўлган бошқарувлар ҳукм сурарди. Ҳатто 1943 йилдаёқ ўзини мустақил деб эълон қилган Сурияда француз армияси чиқиб кетган бўлсада, ҳокимият учун курашаётган томонлар ичида АҚШ, Англияга эргашиш тарафдорлари ҳам топиларди. Биринчи араб-Исроил урушидан сўнг (1948й) мағлуб араб давлатларида Исроил ва Ғарб давлатларига қаршли миллий-озодлик ҳаракатлари бошланиб, 1950 йилларда ўзининг юксак чўққисида эди. Илғор ватанпарвар кучлар мустамлакачилик салбий оқибатларни тугатиш учун ҳал қилувчи чора-тадбирларни амалга ошира бошлади.

1953 йилда АҚШ президенти лавозимини эгаллаган Д.Эйзенхауэр ва бош котиб Ж.Ф Далласлар Яқин ва Ўрта Шарқда АҚШ назоратида бўлган

---

<sup>2</sup> Вобликов Д.Р., Кинтев С.П. Новейшая история арабских стран. М.Наука. 1967. стр78

ҳарбий-сиёсий блоклар тизими стратегиясини амалга оширишга асосий эътибор қаратдилар. Бу билан араб дунёсидаги илғор ўзгаришларнинг олдини олиш, уларнинг Совет Иттифоқи билан яқинлашишига йўл қўймасликка қаратилган айрим ҳаракатларни амалга оширмақчи бўлдилар. АҚШ ва Ғарб давлатлари таъсирида бўлган мусулмон давлатлари - Туркия, Ироқ, Покистон блоклашув жараёнининг фаоллари бўлдилар.

Шу йили Эрондаги Муссодиқ ҳукумати мамлакатни АҚШ ва Ғарб давлатларига қарамликдан қутқариш учун чет эл нефть саноатига доир монополияларини мамлакатдан чиқариб юборди. Муссодиқ ҳукумати нефть Эроннинг миллий бойлиги, уни ишлатишга фақатгина Эрон ҳақли деб таъкидларди. Айнан шу воқеа Ғарб давлатларини Эронга қарши кескин ҳаракатлар олиб бориш ва уни ҳам ўзларининг назоратидаги блокларига тортишга ундарди<sup>1</sup>.

АҚШ ва Ғарб давлатлари Эрондаги мустақилликка интилишнинг араб дунёсига таъсиридан чўчиб, 1953 йил августда Муссодиқ ҳукуматини ағдариб, унинг ўрнига ўзларига бўйсинувчи генерал Зоҳидийни премьер-министр этиб тайинладилар. Табиийки, Зоҳидий ҳукумати ички ва ташқи сиёсати АҚШ манфаатларига мослашиб, ҳарбий-сиёсий блокларга аъзо бўладиган бўлди. Англия таъсири остида бўлган Ироқнинг Нур Саид консерватив режими ўз ҳукмронлик тартибини мустаҳкамлаш учун ҳарбий, сиёсий блоклар ташаббусини қўллаб-қувватлади. Мазкур давлатларнинг антисовет руҳидаги ҳарбий, сиёсий блоклар стратегиясини қўллаб-қувватлашдан яна бир мақсад - ўз тузумига қарши бўлган ва Совет Иттифоқининг инқилобий мафкураси билан ўз манфаатларини ифодалаётган кучлар қаршилигини синдириш эди.

1954 йил 2 апрелда АҚШ таъсиридаги Туркия ва Покистон ўзаро ҳамкорлик тўғрисида битим имзолади. Унда ҳамкорликда муҳофаа қилиш ҳам кўзда тутилди. Шу йили 24 апрелда Туркия премьер-министри Мендерс

Боғдодга расмий ташриф буюриб, Нур Саид ҳукумати билан учрашувда икки давлат ўртасидаги ҳарбий-сиёсий блок тузишга келишилди.

Туркия ҳукумати бутун араб давлатларини мана шундай блокларга киришга даъват этиб, бу блоклар минтақада хавфсизликни таъминлаб, умумий муаммоларни ҳам ҳал этишга имкон беради, деб ишонтиришга уринди.

Покистон, Ироқ, Туркия ўртасида тузилган ҳарбий, сиёсий блок бўлган “Боғдод пакти”га (СЕНТО) 1955 йил 5 апрелда Англия, октябр ойида Эрон аъзо бўлиб кирди. АҚШ ташкилотга расмий равишда аъзо бўлмаса-да, амалда унинг фаолиятини назорат қилиб борди. Ғарб давлатлари “Боғдод пакти”ни ташкил этиш билан биринчидан, араб дунёсида лидерликка интилган давлатлар (Саудия Арабистони, Миср, Туркия) ўртасидаги қарама-қаршиликни янада кучайтирган бўлса, иккинчидан, минтақада антисовет сиёсатини самарали юритиш воситасига эга бўлди. Блоклашув стратегияси араб дунёсини мустамлакачилик тузимига ва унинг таъсирини ўтказиш воситаларидан бири бўлган Исроил давлатига қарши курашда, Фаластин муаммосини ҳамкорликда ҳал қилишга ўзининг салбий таъсирини кўрсатди.

Аксарият араб давлатлари СЕНТОни ўз суверинтетларига янгича таҳдид сифатида баҳолаб, унда иштирок этишдан бош торди. 1955 йил мартада Миср, Сурия ва Саудия Арабистонини СЕНТОга қарши ягона иттифокқа бирлашди. Шу даврда араб дунёсида мустамлакачиликнинг ҳар қандай кўринишига барҳам бериш учун курашларнинг энг йирик маркази Миср бўлиб қолди.

1952 йил 23 июлда Жамол Абдул Носир раҳбарлигидаги “Озод зобитлар” ватанпарвар ташкилоти эски монархия тартиботига барҳам бериб, тараққийпарвар ислохотларини амалга ошира бошлади. Янги ҳукумат ташқи сиёсатда Ғарб давлатлари таклиф этган ҳар қандай иттифокқа қўшилишдан бош тортди ва мустамлакачиликни асоратларига барҳам беришни ўзининг

---

<sup>1</sup> Агаев С.Л. Иран в прошлом и настоящем. М.Наука. 1981. стр.132

асосий мақсади деб эълон қилди. Жамол Абдул Носир бу борадаги асосий эътиборини жуда катта иқтисодий салоҳиятга эга бўлган, Ғарб давлатлари учун Миср табиий бойликларини олиб чиқишда энг қулай ва арзон йўл бўлган Сувайш каналини национализация (ўз мулкига айлантириш) қилишдан бошлади.

1956 йил 26 июлда Сувайшдаги Ғарб компанияларини национализация қилиш тўғрисидаги қарор қабул қилди ва бу ислохотларни амалга ошириш натижасида Ғарб давлатлари билан муносабатлари ёмонлашди. Жамол Абдул Носир Мисрни нефть экспорт қилувчи давлат сифатида Сувайшдаги нефть даромадининг 60% ини ўзлаштириш ҳуқуқи борлигини маълум қилди ва Асуан каналининг қурилишига йўл қўймади<sup>1</sup>.

Миср ҳукуматининг Ғарб давлатларига қарши сиёсати, сацалистик давлатлар билан яқинлашуви Ғарб давлатларида Мисрга нисбатан жиддий чора-тадбирлар амалга оширишни талаб этди. Ғарб давлатлари Мисрга нисбатан иқтисодий санкцияларни қўлладилар. Англия ўз банкларида 116 млн., АҚШ ўз банкида 21 млн. Миср фунтини музлатиб қўйди. Сувайш инқирози бутун жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини ўзига жалб этди.

Араб дунёси ва сацалистик давлатлар Жамол Абдул Носирнинг национализация сиёсатини қонуний ислохот сифатида эътироф этдилар<sup>1</sup>. Ғарб давлатлари қандай бўлмасин, Сувайшда ўз ҳукмронлигини сақлаб қолиш, Жамол Абдул Носир ислохотларининг бошқа давлатларга таъсир кўрсатишининг олдини олиш учун араб давлатларининг асосий душмани Исроил билан яқинлашди.

1956 йил 5 октябрда БМТ хавфсизлик кенгашида Сувайш инқирозини бартараф этиш масаласи кўрилди. АҚШ вакили Ж.Ф.Даллас, Англия премьер-министри А.Иден ва Франция ҳукуматлари Сувайш каналидан фойдаланиш ассоциациясини тузиб, уни халқаро назорат остига ўтказиш

---

<sup>1</sup> Хамруш А. “Революция 23 июля 1952 г. в Египте”. М.Прогресс 1984.стр.199

<sup>1</sup> Агарышев А. Джамал Абдель Насер. М: «Молодая Гвардия» 1975. Стр.123

лойихасини илгари сурдилар. Бирок, бу таклиф Миср, СССР ва Араб давлатлари томонидан рад этилди. Ғарб давлатлари учун Сувайшда ўз мавқеини сақлаш учун куч ишлатишдан бошқа чора қолмади.

1956 йил 25 октябрда Исроил премьер-министри Бен Гурион, Франция ташқи ишлар вазири Кристиан Пико, Англия вакили Идена Патриклар иштирокидаги Севр учрашувида Мисрга қарши ҳамкорликда ҳарбий юриш қилиш тўғрисида битим имзоланди. Мазкур режалар мисрга қарши ҳарбий ҳаракатлар бошланиб, улар 7-8 суткада амалга ошиши кераклиги кўрсатиб ўтилди. АҚШ ҳукумати иккиёқлама сиёсат олиб борди. Бир тарафдан, Англия, Франция, Исроилнинг Мисрга агрессиясини қўллаб-қувватлаб, уларни таъсирини заифлаштирмоқчи бўлди, иккинчи томондан агрессияни қоралаб, араб давлатлари билан бирдам эканлигини кўрсатди ва улар билан яқинлашиб ўзининг мақсадларини амалга оширишга ҳаракат қилди.

1956 йил 29 октябрда Исроил армияси, 31 октябрда Англия ва Франция армияси Мисрга агрессияни бошладилар. Мана шундай оғир кунларда Мисрни социалистик давлатлар ҳар томонлама қўллаб-қувватлади. 1955 йил Миср, СССР ва Чехословакия билан имзоланган шартномаларга кўра тегишли ҳарбий ёрдамлар олди. Агрессорлар маълум бир ҳудудларни эгаллаган бўлсалар-да, Мисрда ўзларининг эски сиёсий, иқтисодий мавқеининг тиклай олмадилар. Аксинча, агрессия араб дунёсида бирликни кучайтирди. Жаҳон ҳамжамияти агрессорларнинг бу фаолиятини Миср суверенитетига таҳдид сифатида баҳолаб, кескин танқид қилди. Барча араб давлатлари Англия ва Франция билан алоқаларни узди ва вақтинча нефть етказиб беришни тўхтатиб қўйди.

Ҳатто АҚШ ҳукумати ҳам БМТ хавфсизлик кенгашига агрессияни тўхтатиш тўғрисида мурожаат қилди. 1956 йил 2 ноябрда БМТ бош Ассамблеяси агрессорларга Мисрдан ўз армиясини олб чиқишни қатъий талаб қилувчи нота жўнатди. 1956 йил 5 ноябрда Совет ҳукумати БМТга

агрессорларга қарши санкция қўллашни таклиф қилди. Жаҳон ҳамжамиятининг кескин нарозилиги ва шу йилнинг 15 ноябрида СССР томонидан қўйилган қатъий талаблар агрессорларни Мисрдан ўз армияларини олиб чиқишга мажбур қилди. 1957 йил мартга келиб, Миср худудида агрессорлар армияси олиб чиқилиш тўла якунланди<sup>1</sup>. Агрессияга қарши курашда ўз халқини бирлаштирган ва араб дунёсида мустамлакачилик асоратларига зарба беришда намуна кўрсатган Жамол Абдул Носирнинг обрўси ниҳоятда ошиб кетди.

Сувайш инқироzi минтақадаги кучли прогрессив ўзгаришларга сабаб бўлди. Араб дунёсидаги илғор ўзгаришларнинг олдини олиш, эски хўжайинлар Англия ва Франциянинг заифлашуви натижасида, минтақада кучлар бўшлиғини тўлдириш, шунингдек, араб дунёси ва Совет Иттифоқи ҳамкорлигига йўл қўймаслик учун АҚШ ҳукумати 1957 йил 5 январда “Эйзенхауэр доктрина”сини қабул қилди.

Доктринага кўра, АҚШ минтақада гегемонлик қилиш учун бу ерда ўз армиясини жойлаштириш, ҳарбий базалар куриш ва фойдаланиш, “Коммунистик хатар”дан ҳимояланиш учун араб давлатларига ҳарбий ёрдам ва ҳамкорлик дастури асосида 200 млн. доллар ёрдам ажратиш белгиланди<sup>2</sup>. Бироқ 1956 йилги урушдан сўнг араб дунёсида миллий-озодлик ҳаракатлари ва Совет иттифоқининг таъсири кучлилиги шароитида доктринани амалга ошириш қийин эди.

1957 йил январдаёқ араб давлатлари Қоҳирадаги учрашувда доктринани ўз суверентитетларига таҳдид сифатида баҳолаб, рад этдилар. Шундан сўнг АҚШ ва Англия ҳукмрон доиралари араб давлатларида ўзларига қарши бўлган кучларни синдиришга ҳаракат қилдилар.

1957 йил апрел ойида Йорданиянинг Ғарб доиралари билан боғлиқ кучлари Эйзенхауэр доктринасига қарши чиққан бош вазир Сулаймон

---

<sup>1</sup> Кальвокоресси П. Мировая политика после 1945 года. М “Международные отношения”. 2000. Стр. 452

Набуиси ҳукуматини ағдариб ташладилар. Лекин бу билан араб халқлари мустақиллик ҳаракатлари тўхтаб қолгани йўқ.

Араб давлатлари мустамлакачилик, унинг янгича шаклларига қарши кураш учун Совет Иттифоқидан моддий, молиявий, ҳарбий ёрдамлар олди. 1957 йил октябрида СССР ва Сурия, 1958 йил январда СССР ва Миср, 1959 йил мартда СССР ва Ироқ ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни йўлга қўювчи шартномалар имзоланди. Собиқ Иттифоқнинг фаол қўллаши билан араб давлатларида мустақиллик ҳаракатлари самарали ривожланиб борди. 1957 йил Дамашқда АҚШ жосусларининг давлат тўнтариши уюштириш операцияси муваффақиятсиз якунланди.

АҚШ Сурияда ҳарбий тўнтариш ва ҳарбий режим ўрнатиш мақсадида ҳарбий доиралар бўилан яқинлашди. АҚШ ҳарбий базалари жойлаштирилган Туркия ва Исроил Сурияга қилинган ҳарбий юришларини қўллаган бўлсалар-да, Иордания ва Ироқ бунда иштирок этишдан бош тортдилар, чунки бу авантюра мазкур давлатларнинг монархлари учун хавфли эди. Социалистик лагер ва араб давлатлари Сурияга оғир пайтда ёрдам бера бошладилар. 1957 йил Миср-Сурия шартномасига кўра Миср Суриянинг Латония портига интервенциядан ҳамкорликда мудофааланиш мақсадида ўз армиясини олиб кирди<sup>1</sup>.

Миср ва Сурия интервенцияга қарши кураш ва ички муаммоларни биргаликда ҳал қилиш учун тобора яқинлаша бошладилар. Бу 1958 йилда Сурия ва Мисрнинг Бирлашган Араб Республикасини тузишида ўз ифодасини топди. Янги республика Ливан ва Иордания ички ишларига АҚШ ва Англиянинг аралашувини фаол танқид қилиш тугайли улар билан муносабатлари янада кескинлашди.

Англия ва АҚШ дипломатияси ўз таъсиридаги Иордания қироллиги ва Ироқни бирлаштириб, “Иордания қироллиги ва Ироқ ҳарбий-сиёсий

---

<sup>2</sup> Уляновский Р.А НеокOLONиализм США и слоборазвитиe стран Азии. М. Восточная литература. 1963.стр..69

бирлашмаси”ни тузишга ҳаракат қилди. Унга бир оздан сўнг Саудия Арабистони ҳам қўшилиши режалаштирилган эди. Бу бирлашма кўпроқ Англия манфаатларига мос келар эди. Чунки, у шу орқали Ироқда ҳокимиятни ўз қўлида жамлаган Нур Саид иттифоқда ҳукмронлигини тиклаб, ўзининг таъсирини кучайтирар эди. 1958 йил февралда Нур Саид Ироқ-Иордан ҳукуматининг бошлиғи бўлди. Нур Саид режимини АҚШ ҳам қўллаб-қувватларди.

Бироқ воқеаларнинг кейинги ривожини мазкур ҳаракатларни муваффақиятсизликка олиб келди. 1958 йил июлда бўлиб ўтган Ироқдаги инқилоб араб дунёсида мустамлакачиликка зарба берган яна бир воқеа бўлди. 14 июлда Нур Саид режими ағдарилиб, республика эълон қилинди. Ироқ СЕНТОдан чиқиб, ўз ҳудудидаги чет эл ҳарбий базаларини тугатди. Ғарб давлатлари Бирлашган Араб Республикасидаги Миср ва Сурия ўртасидаги зиддиятлардан унумли фойдаланади. Чунки республикада амалга оширилаётган ислохотлар Суриянинг манфаатларига унчалик мос эмас эди. Буни Ғарб билан яқинлашган Суриядаги кучлар ҳам қўллаб-қувватлади.

Ўзини Сурия провинциясининг чекланмаган соҳиби ҳисоблаган вице-президент маршал Абдул Ҳаким ҳарбийларга таяниб, 1961 йил 28 сентябрда давлат тўнтаришини амалга оширди ва Сурия БАР таркибидан чиқди. Бу тўнтаришда Ғарб давлатлари ва улар билан яқин бўлган араб молия ва саноат доираларининг қўли бор эди. Улар шу йўл билан Мисрни Сурияга қарши уруш олиб боришга ундамоқчи эдилар. Лекин бу амалга ошмади. Сурияда ҳокимиятни эгаллаган ўнг консерватор кучлар национализация қилинган ерларни эски ер эгаларига қайтариб бердилар. Антидемократик тенденциялар кучайдилар. Мухолифат кучлар халқ чиқишларига бошчилик қилиб, ҳукуматдан адолатпарвар ислохотлар ўтказиш, аграр ислохотлар ўтказишни талаб қилдилар. Тарих қонуниятидан келиб ч икиб айтадиган бўлсак, араб дунёсида ташқи кучларга таяниб, халққа қарши сиёсат юритаётган авторитар

---

<sup>1</sup> Гегемонизм: с эпохой в конфликте. М-1982, стр. 76

бошқарувлар инқирозга учраши аниқ бўлиб, бу барча мамлакатларда босқичма-босқич содир бўла бошлади. 1963 йил март Сурияда халқ ва армия ўзларига қарши бўлган ҳукматни ағдариб ташлади. Ҳокимиятга араб социалистик уйғониш партияси (БААС) келди. Шунинг ҳам алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, араб давлатлари сиёсий ҳаётидаги кучлар, партия ва ҳаракатлар ислохотлар борасида давр тақозоси ва синфий манфаатлардан келиб чиқиб, икки йирик гуруҳга бўлинган эди.

Биринчи гуруҳга оддий халқ ҳохиш-иродасини ҳисобга олган ва ижтимоий муаммолардан келиб чиқиб, асосий эътиборни ижтимоий ҳимоя, суғурта, соғлиқни сақлаш, иқтисодий давлат тасарруфига ўтказишни маъқулловчи кучлар мансуб эди.

Иккинчи гуруҳга тадбиркорлар, йирик молия-саноат доираларининг манфаатларини ҳимоя қилувчи, иқтисодий батамом эркинлаштиришни, фаол ички ва ташқи савдони ривожлантиришни талаб қилувчи кучлар кирган<sup>1</sup>.

Худди шундай гуруҳлар Суриядаги БААСда ҳам мавжуд бўлиб, ислохотларнинг боришига ўзининг таъсирини кўрсатиб келган. Шу даврда араб давлатларидаги тараққийпарвар кучлар Ғарб давлатлари ва Исроилга қарши курашиши учун нафақат иқтисодий модернизация қилишни, балки, илм-фанни риволантиришни, саводхонликни ўстириш лозимлигини яхши тушунардилар. Араб давлатларида замонавий мактабларда дунёвий фанларни ўқитиш янада кучайтирилди ва жонлантирилди. Аксарият араб мамлакатлари фуқаролари Совет Иттифоқидаги олий ўқув юртларида олий маълумот олиб кела бошладилар. Совет Иттифоқи ҳарбий билим юртларида араб танкчилари, учувчилари ва бошқа ҳарбий мутахассислари таълим олиб келдилар.

Араб давлатлари ташқи сиёсати ҳам халқаро майдондаги кучлар нисбатига қараб, маълум бир йўналишларга эга бўлди. Улар АҚШга ҳам,

СССРга ҳам ҳар томонлама яқинлашишдан ўзларини тийиб турдилар. Чунки кучли давлатларнинг тўлиқ таъсирига тушиб қолиш мустақил мамлакатлар учун анча хавфли эканлиги ойдек равшан эди. АҚШ Исроилнинг иттифоқчиси бўлганлиги учун, у билан иқтисодий алоқаларни йўлга қўйилса-да, сиёсий алоқаларда мувозанат ушлашга ҳаракат қилинди. Араб мамлакатлари Ғарб давлатлари ва Исроилга қарши кураши жараёнида СССРга яқинлашишга, ҳарбий ҳамкорликни йўлга қўйишга мажбур бўлдилар. Араб дунёси коммунистик мафкура таъсирига қарши курашиш учун 1966 йил “Ислом пакти”га бирлашдилар.

1960 йилларга келиб араб давлатлари мустамлакачиликнинг янги кўринишига барҳам бериш, ижтимоий, иқтисодий, маънавий, сиёсий, ҳудудий муаммоларни ҳал қилиш, енгил ва оғир саноат, товр-пул муносабатлари, ички ва ташқи савдони ривожлантириш, исломни янги замонга мослаштириш, халқаро майдонда ривожланган давлатлар қаторидан жой олиш ва халққа муносиб турмуш даражасини яратиш бериш учун бир-бирлари билан ҳар томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиб, ўзига хос интеграция жараёнига киришдилар<sup>2</sup>.

Фаластин маммосини ҳал қилиш ва мустамлакачиликнинг янгича шаклларига қарши курашиш учун ижтимоий, ҳудудий муаммоларни ҳал қилиш, араб бирдамлигини таъминлаш 1962 йилда ташкил топган Ислом Олами Лигаси, 1964 йилда ташкил топган Африка-Осиё Ислом Ташкилоти, 1969 йилда тузилган Ислом Конференцияси Ташкилотини шундай ҳаракатларга қаратилган ташкилотлар сирасига киритишимиз мумкин. Африка-Осиё ислом ташкилоти 1970 йил Бандунгдаги конференциясида “Жаҳон ислом конференцияси” номини олган. Мазкур ташкилот мавжуд барча мусулмон ташкилотларни бирлаштиришни ўзининг асосий вазифаларидан бири деб эълон қилди. Бу ташкилотлар ва уларнинг араб

---

<sup>1</sup> «Эхо планеты». № 12, март, 1989. Стр. 26

<sup>2</sup> Медведко Л.И., Германович А.В. Именем Аллаха. М., Политической литературы, 1988, стр.86

интеграцияси жараёнларидаги ўрни ҳақида иккинчи бобда алоҳида тўхталиб ўтамиз ва тегишли маълумотлар берамиз.

Иқтисодий ҳамкорлик жабҳасида янги интеграция ташкилотлари вужудга келди. 1974 йилда Лахўрда Ислом Тараққиёти Банки тузилди. Банк ишида ислом принципларини яратиш ва мустаҳкамлаш мақсадида, банк ишларида ислом нормалари таъқиқлаган судхўрлик (Рибоъ)ни янги замонавий ислом тамойилларига мослаб жорий этиш кўзда тутилган. Мазкур банк ўз фаолиятини 1975 йилдан бошлади. Ташкилотнинг штаб-квартираси Жидда шаҳрида жойлашган бўлиб, Ислом конференцияси ташкилоти раҳбарлигида иш олиб боради. Мазкур банк асосан динор пул бирлиги билан молиявий операциялар амалга ошириши унинг мақсад сари қўйган қадамларини янада таъкидлайди.

Кейинчалик нефт экспорт қилувчи араб давлатлари нефт қазиб олиш ва экспорт қилиш соҳасида ҳам ҳамкорликда фаолият юритиш мақсадида “Нефт экспорт қилувчи давлатлар ташкилоти”-ОПЕКка бирлашдилар.

Араб дунёсида кечган интеграция жараёнларидан шундай хулосага келиш мумкин. **Биринчидан**, иккинчи жаҳон урушидан сўнг араб давлатлари барқарор тараққиёт йўлига кириб олдилар. **Иккинчидан**, улар секинлик билан бўлса ҳам халқаро хўжалик системасига интеграциялашиб бордилар. Ва **ниҳоят**, ривожланиб бораётган давлатлар юқори поғонасидан жой ола бошладилар.

## **II БОБ. ЙИГИРМАНЧИ АСР ИККИНЧИ ЯРИМИДА АРАБ ДУНЁСИДАГИ ИЛҒОР ЎЗГАРИШЛАР**

### **2.1. Сиёсий, иқтисодий соҳадаги умумараб интеграцияси.**

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг халқаро майдонда жуда кучли ва кутилмаган ўзгаришлар юз берди. Халқаро майдондаги кучлар нисбатининг ўзгариши, мустамлакачилик тузумининг парчаланиши, мустақил давлатларнинг ташкил топиши жараёнлари араб дунёсига ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

Мазкур даврда демократия, тинчлик, фаровон жамият барпо этиш учун умумбашарий курашнинг авж олиши ва бу борадаги минтақавий ва халқаро ҳамкорликнинг кучайиб бориши араб дунёсида ҳам ўз аксини топиши табиий ҳол эди. Араб давлатларининг босқичма-босқич равишда мустақилликка эришиши, АҚШ ва Ғарб давлатлари ҳарбий -сиёсий блокларидан чиқиши умумараб интеграциясини кучайтирувчи омиллардан бири эди. Қуйидаги ички ва ташқи омиллар араб дунёсининг сиёсий иқтисодий, маданий, маърифий жабҳалардаги интеграциясига сабаб бўлди.

Биринчидан, ҳар томонлама қолоқликни енгиш зарурати, биргаликда турли жабҳаларда чора-тадбирларни амалга оширишнинг ягона стратегиясини ишлаб чиқиш;

Иккинчидан, иқтисодий қарамликни тугатиш;

Учинчидан, араб дунёсидаги мавжуд сиёсий, иқтисодий, диний, худудий муаммолар ва можаролар (Яқин Шарқ можарораси)ни биргаликда бартараф этиш учун интилишларини кучайтириш;

Тўртинчидан, совуқ уруш шароитида йирик давлатларнинг неокOLONиализм (янгича мустамлакачилик) сиёсатларидан биргаликда ҳимоялаш;

Бешинчидан, араб давлатларининг ривожланган давлатга айланиш, ўз халқларига муносиб турмуш даражасини яратиб бериш йўлидаги, тараққиёт йўлидаги сиёсий, иқтисодий, табтий, маданий, маънавий, маърифий, интеллектуал имкониятлардан ҳамкорликда фойдаланиш зарурлигини тушуниб етиш;

Олтинчидан, араб давлатларининг жаҳон сиёсий майдонида, жаҳон бозорида муносиб ўринни эгаллаш учун ҳар томонлама ҳамкорликка кучайтириш жараёнининг ривожланиш.

Аслида умуараб интеграциясига хос илк жиҳатлар иккинчи жаҳон урушидан олдинги даврда намоён бўла бошлади. Бу даврда шарқ мамлакатларидаги миллий уйғониш жараёнлари, миллий озодлик

ҳаракатлари, инқилоблар араб халқлари дунёқарашига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Араб дунёсида Англия ва Францияни мустамлакачилик сиёсатига қарши миллий, диний ҳис-туйғуларни жунбушга келтирган мустақиллик учун курашлар жараёнида турли хил ғоялар майдонга чиқди. Бу ғоялардан энг таъсирчанлари бутун ислом умматларини Ғарб давлатларига қарши бир иттифоққа бирлашишга даъват этувчи панисломизм таълимоти, шунингдек, араб халқларини чет элликларга қарши бир иттифоққа бирлашишга тарғиб этган паиарабизм ғояларидир.

Ғарб давлатларининг сиёсий, иқтисодий, ғоявий таъсирига ва улар кўллаб-қувватлагани оқибатида Фаластинда ташкил топган яҳудий мандатлигига қарши бўлган мазкур ғоялар араб дунёсининг мустамлака аҳволидалиги туфайли уларни тўлиқ сиёсий, иқтисодий жиҳатдан бирлаштиришга қодир эмас эди. Шунга қарамасдан, миллий ўзликни англаш, исломий тамойилларни асраш ва мустаҳкамлаш йўлидаги ҳаракатларнинг ривожланиши дастлабки сиёсий, маданий, маънавий, маърифий жабҳалардаги интеграция сифатида намоён бўлди. Буни биз «Ислом Олами Конгресси»нинг ташкил топишда ҳам кўраимиз.

Мазкур ташкилот 1926 йил июлда Маккада мусулмон мамлакатлари вакиллари йиғинида ташкил этилди. Ташкилот қароргоҳи Карачида жойлашган. Ислом Олами Конгресси фаолиятига мусулмонларнинг ҳар йилги Маккага ҳаж зиёрати тугаган вақтда тўпланадиган Олий Кенгаш раҳбарлик қилади. Конгресс бир қатор илмий тадқиқот марказлари орқали ислом тарихи, ақидалари, фалсафаси соҳасидаги тадқиқотларни амалга оширишга раҳбарлик қилади. Исломни «Ғарбга ҳам Шарққа ҳам қарши тура оладиган мустақил сиёсий кучга айлантириш» ғояларини тарғиб этади. Ислом мавзуидаги нашрларни (хусусан, «Мусулмон Олами» журналин) чиқариб туради, унинг ихтиёрида «Ислом Олами» радиостанцияси мавжуд<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Жданов Ч.В., Игнатенко А.А. Ислам на пороге XXI века. М., Ролитиздат, 1989, стр.188

Айнан Ислом Олами Конгресси замирида ва унинг ташаббуслари туфайли умумараб интеграциясининг маҳсули бўлган минтиқавий ташкилотлар ташкил топди. Йигирманчи асрнинг иккинчи яримида араб давлатларининг турли ихил ҳарбий- сиёсий блоклар таъсиридан озод бўлиш жараёнига монанд равишда умумараб интеграцияси шаклланиб борди.

Араб дунёсида сиёсий, иқтисодий, маданий, маънавий тараққиётида, ижтимоий ҳаётида исломнинг роли бениҳоя кучлилиги туфайли, ислом олами таъсирида капиталистик ва тараққиётнинг социалистик йўналишларининг салбий таъсирига қарши исломий тараққиёт йўлидан бориш учун ҳамкорлик олиб бориш натижасида Яқин Шарқ, Форс кўрфази, Шимолий Африкада кенг қамровли фаолият олиб борувчи ташкилотлар босқичма- босқич ташкил топа бошлади. Тараққиётнинг исломий йўли - бу бошқаруви, давлат тузуми, ишлаб чиқариш, қонунлари, мафкураси, маданияти, маорифи, ижтимоий муносабатлари, кези келганда давлатнинг ички ва ташқи сиёсати эски анъанавий ислом ёки янги давр ўзгаришларига мослашган модернизациялашган исломга асосланган тараққиёт бўлиб, араб менталитетининг маҳсулидир<sup>1</sup>.

Араб давлатлари ўз олдиларидаги муаммоларини ҳал этиш, илғор мақсадларни амалга ошириш мақсадида биринчи навбатда сиёсий, иқтисодий мустақилликни тиклаш ва бу жабҳаларда юритилаётган сиёсатларни иложи борича умумараб манфаати доирасида ягона стратегияга бирлаштириш зарурлигини тушуниб етишди. Иккинчи жаҳон урушдан сўнг мустақилликка интилаётган араб давлатлари сиёсий ҳамкорликни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратди.

Натижада урушдан кейинги даврдаги дастлабки сиёсий ташкилот «Араб Давлатлари Лигаси» 1945 йил Қоҳирада бўлиб ўтган конференцияда тузилди. Лиганинг мақсади араб давлатлари сиёсий йўналишларини ривожлантириш, уларнинг мустақиллиги ва суверенитетини ҳимоя қилиш,

иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳамкорликни ривожлантириш. Ташкилотга Яқин Шарқ ва Шимолий Африканинг мустақилликни қўлга киритган мамлакатлари уюшди. Лиганинг ташкилотчилари Иордания, Саудия Арабистони ва Яман Республикасидир. Кейинроқ унга Жазоир, Бахрайн, Жабути, Қувайт, Ливия, Мавритания, Марокаш, Қатар, Самоли, Судан, Тунис, Бирлашган Араб Амирликлари, Яман Халқ Демократик Республикаси, Фаластин озодлик ташкилоти кабилар аъзо бўлди. Ташкилот кенгаши хузурида иқтисодий ва ижтимоий ҳамкорлик масалалари билан шуғулланувчи қўмиталар тузилди.

1960-1970 йилларда ташкилот аъзоларининг иқтисодий қудрати мустаҳкамлашиб бориш натижасида ташкилот доирасидаги ҳамкорлик кенгайди. Лиганинг «Умумараб бозори» «Араб тараққиёт банки», «Араблараро ўқув юртлари маркази», «Наркотикларга қарши кураш олиб борувчи араб бюроси», «Арабпресс» ахборот агентлиги ташкил этилди.

Араб Давлатлари Лигасининг биринчи бош котиби Абдурахмон ал-Аззам араб дунёси номидан Фаластинда ташкил топган Исроил давлатига қарши араб давлатлари армиясини юбориш, унга барҳам бериб, Фаластинни араб эли сифатида сақлаб қолишга даъват этди. Бироқ араб давлатлари биринчи Араб-Исроил уруши (1948-1949) даврида хали ҳам Ғарб давлатлари таъсири остида бўлиб, шунингдек, йирик араб давлатлари Саудия Арабистони, Иордания, Миср ўртасидаги қарама-қаршиликлар туфайли араб давлатлари Исроилдан мағлубиятга учради.

Бу араб давлатларини Яқин Шарқ ва бошқа масалаларда яна ҳам мустаҳкам ҳамкорлик қилишни талаб қилди. Яқин Шарқ, Форс кўрфази, Шимолий Африкадаги араб давлатларининг тараққиёти, ички ва ташқи сиёсати турли даражада бўлишга қарамай Яқин Шарқ масаласи, йирик давлатлар билан муносабатлар масаласи, исломий тараққиёт йўлини

---

<sup>1</sup> Ким Г.Ф., Беленький А.Б. Ислам в современной политике стран Востока. М, Наука, 1986, стр 35.

мустаҳкамлаш масаласида ўз сиёсатларини ҳамкорликда йўналтириш учун турли хил минтақавий сиёсий ташкилотларга бирлашдилар.

Мана шундай ташкилотлардан энг фаоли ва энг нуфузли Ислом Олами Лигасидир. Бу ташкилотни ташкил этишда Ислом Олами Конгресси, Араб Давлатлари Лигаси ва Саудия Арабистонининг ташаббуслари бениҳоя катта бўлди. Ташкилотга мусулмон арбоблари ва руҳонийларининг 1962 йил май ойида Маккада бўлиб ўтган конференциясида асос солинди. Олий раҳбар органи таъсис кенгаши бўлиб, унга турли мамлакатлардан 60 нафар диний арбоблар киритилди. Ташкилотга раҳбарликни Саудия Арабистони илоҳиётчилари орасида сайланадиган Бош котиб олиб боради.

Ташкилотнинг мақсади «Ислом таълимотини бутун дунёга тарқатиш»дир. Араб тилида «Ахбор ал-Ислом» («Ислом олами ахбороти») газетасини ҳамда араб ва инглиз тилларида «Рабита ал-Олам ал-Ислом» журналинини нашр этади. 1960-1970 йилларда лиганинг 10 дан ортиқ мамлакатларда филиаллари очилди. Ислом Олами Лигаси ўз фаолияти даврида халқаро ислом ташкилотларининг раҳбар маркази бўлишга даъват этиб келди. Унинг ташаббуси билан чақирилган жаҳон ислом ташкилотларининг халқаро конференцияси (Макка, 1974) ер куррасидаги барча ислом ташкилотлари фаолиятини координация қилиш олий комитетини таъсис этди. Ислом оммавий ахборот воситалари жаҳон конференцияси (Жакарта, 1980) эса мусулмон оммавий ахборот воситалари олий кенгашинини (қароргоҳи-Маккада) таъсис этди<sup>1</sup>.

XX асрнинг 60 йилларида нефть экспорт қилувчи араб давлатларининг иқтисодий қудрати мустаҳкамланиб борган сайин уларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи минтақавий ташкилотлар ташкил топиш жараёни янада кучайди. Қолаверса, 1967 йил июндаги Араб-Исроил урушида араб давлатларининг мағлубияти, Фаластин ва мусулмон дунёсининг

муқаддас зиёратгоҳлари жойлашган Қуддусда Исроил таъсирининг кучайиши, араб дунёсини Фаластин ва Қуддусни ҳимоя қилиш учун ҳамкорликни янада кучайтиришни талаб қиларди.

Исроилнинг босиб олинган Фалатин ерларини қайтариб бериш ва мустақил Фаластин давлати ташкил топишга йўл қўймаслигига ишонч кучайган сари унга қарши жиҳод олиб бориш зарурлиги тўғрисидаги радикал даъватлар янграй бошлади. Саудия Арабистони қироли Фейсал ва Марокаш қироли Хасан II лар ташаббуси билан минтақадаги оғир вазиятни кўриб чиқиш учун конференция ташкил этилди<sup>2</sup>. Бу конференция 1962 йил 22 сентябрда Работтда ўз ишини бошлаб, унда 25 та давлат иштирок этди. Конференцияда қароргоҳи Жиддада бўлган бош котиб ва котибият бошқарадиган “Ислом Конференцияси Ташкилоти” ташкил топди. Унинг бош котиби сифатида Малайзия примъер-министри Абдул Раҳмон сайланди.

Янги ташкилотнинг бош мақсади аъзо мамлакатларнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий, илмий ва бошқа соҳаларда бирдамлик ҳамжиҳатлигини таъминлаш ҳамда аъзо мамлакатларнинг халқаро ташкилотлари миқёсида маслаҳат кенгашларини чақириш, ирқий сегрегация ва камситишларни, мустамлакачиликнинг ҳар қандай шакллари тугатишга интилиш; халқаро хавфсизликни таъминлаш учун зарур адолатли чораларни кўриш; барча кучларни уйғунлаштириб, “муқаддас жойлар”ни муҳофаза этиш ва Фаластин халқининг ўз мамлакати озодлиги ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлидаги курашни кўллаб-қувватлашдан иборат деб эълон қилинган<sup>3</sup>.

Араб давлатлари Лигаси сиёсий-ҳарбий ташкилот, Ислом Олами Лигаси сиёсий, диний, ташкилот сифатида иш олиб борса, Ислом Конференцияси Ташкилоти буларга турли ҳамкорлик жабҳаларини

---

<sup>1</sup> Ислам. Краткий справочник. М., Наука, 1983, стр.61

<sup>2</sup> Валькова Л.В. Саудовская Аравия в международных отношениях. М., Наука, 1979, стр.165

<sup>3</sup> Жданов Ч.В., Игнатенко А.А. Ислам на пороге XXI века. М., Ролитиздат, 1989, стр.195

ривожлантиришда яқиндан ёрдам берадиган, шунингдек, неокOLONиализмга қарши фаол кураш олиб борувчи ташкилот сифатида гавдаланди.

Шуни ҳам алоҳида қайд этиш лозимки, бундай минтақавий ташкилотларнинг пайдо бўлиши араб мамлакатлари тараққиёти учун катта аҳамиятга эга бўлишига қарамай, бу ташкилотлар ичида йирик араб давлатлари ўртасида қарама-қаршиликлар бўлиши табиий эди.

Бунга араб дунёсида эски исломий тартибларни қайта тиклашга, Ғарбга ва Исроилга қарши жиход олиб боришга даъват этувчи исломий радикал кучларнинг ҳам фаоллашуви сабаб бўлди. Қолаверса, Саудия Арабистони, Иордания, Миср давлатларининг араб дунёсида гегемонликка интилиш йўлида минтақавий ташкилотлардаги рақобатлари ғоявий ҳолга айланди.

Араб ташкилотлари умумараб манфаатига зид сиёсат юритувчи араб давлатини кечира олмасди. Жумладан, 1975 йилда Исроилни араблар номидан тан олган ва унга бир қанча ҳудудлар ўтганлигини эътироф этган Кемп-Девид сулҳни имзолаган Миср президенти Анвар Садат мусулмон фанатиги томонидан отиб ўлдирилди. Миср вақтинча араб ташкилотларидан чиқариб ташланди. Араб ташкилотлари “мусулмон бирдамлиги” шиори остида инсонпарварлик ёрдамларини кўрсатиб бордилар.

Жумладан, Ислом Олами Лигаси 1981 йилда Жанубий Ливан ва Фаластиндаги қочоқларга 150 минг доллар миқдорида молиявий ёрдам кўрсатди.

Араб ташкилотларининг халқаро майдондаги нуфузи кучайиб бориш натижасида улар БМТ Кенгашида домий кузатувчилик ҳуқуқини қўлга киритишди. Ислом Олами Лигаси, Араб Давлатлари Лигаси, Ислом Конференцияси Ташкилотлари доирасидаги умумараб ҳамкорлиги

натijasида араб мамлакатларида мустахкам давлат тузуми қарор топди, бозор муносабатлари, фан-техника, енгил ва оғир саноат ривожланиши натijasида айрим араб давлатлари (Саудия Арабистони, БАА, Қатар, Қувайт) ривожланаётган давлатларнинг юқори поғоналаридан жой олдилар.

Шунга қарамасдан дунё ёқилғи-энергетика ресурсларининг энг катта маркази бўлган бу минтақада хавфсизликни таъминлашга умумараб интеграцияси қодир бўлмади. Чунки АҚШ ва Ғарбий Европа давлатлари Исроилни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, Фаластин халқининг мустақил бўлишга йўл қўймаслик ва арабларга қарши ғолибона уруш олиб боришни таъминлаб, амалда араб дунёсини заифлаштиришга ҳаракат қилдилар. Оқибатда араб ташкилотлари Исроил босиб олган Фаластин ерлари (Ғазо сектори, Иордан дарёси соҳиллари )ни қайтариб олиб, мустақил Фаластин давлатини ташкил эта олишмади. Фаластин муаммоси бугунги кунда ҳам араб дунёси олдидаги энг долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Яқин Шарқ уруши, 1980 йилда бўлиб ўтган Эрон-Ироқ уруши Форс кўрфасидаги араб давлатларини ўз хавфсизликларини таъминлаш мақсадида ягона мудофаа стратегияси бирлашиб, 1981 йил майда “Форс кўрфасидаги араб давлатларининг ҳамкорлик кенгаши”ни туздилар. Бу ўзига хос ҳарбий-сиёсий иттифок бўлиб, унинг аъзолари мудофаани, ҳарбий соҳани кучайтиришга алоҳида эътибор қаратдилар. 1980 йиллар бошларида мазкур ташкилот аъзоларининг ҳарбий харажатларини аҳоли жон бошига тақсимлаганда биринчи ўринда эканлиги қайд этилди. Ҳарбий харажатларни аҳоли жон бошига тақсимлаганда бу кўрсаткич Саудия Арабистонида 2400 доллар, БАА да 2100 доллар, Қатарда 1700 доллар, Қувайтда 1200 доллар, Уммонда 1060 долларни ташкил этди<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Медведко Л.И. Мины под оливками. М., Военное издательство, 1984, стр. 173

Шимолий Африкада энг йирик араб давлати Миср Араб Республикаси, Мағриб давлатлари Тунис, Жазоир, Марокаш, Ливия, Мавритания 1963 йилда ташкил топган “Африка бирлиги ташкилоти” билан, шунингдек араб ташкилотлари билан ҳамкорликда ички ва ташқи сиёсатни юритди. Бу давлатлар “Мағриб давлатларининг доимий маслаҳат кўмитасини” тузиб, бир-бирлари турли жабҳаларда ҳамкорликни юритиб келмоқдалар. Араб давлатларининг сиёсий, иқтисодий, маданий, фан-техника соҳаларидаги интеграцияси уларнинг тараққиётида катта аҳамият касб этди. Тараққиёт даражасида турлича бўлган араб давлатлари минтақавий ташкилотлар орқали бир-бирига яқиндан ёрдам бериб, давлат бош ислоҳатлиги шароитида илғор либерал ислоҳатларни, кези келганда национализация (барча мулкларнинг давлат ихтиёрига ўтиш) ислоҳатларини амалга ошириш орқали иқтисодий жиҳатдан тез суръатларда тараққий этдилар. Бу айниқса нефть экспорт қилувчи араб давлатлари Саудия Арабистони, БАА, Қувайт, Уммон, Баҳрайн мисолида яққол кўринди.

Араб дунёси нефть омилидан қурол сифатида фойдалана бошлади. 1956, 1967, 1973 йиллардаги Исроил ва Ғарб давлатларига қарши урушда араб ташкилотлари агрессорларга нефть етказиб беришни тўхтатиб қўйиш натижасида жаҳон иқтисодиётида ёқилғи-энергетика инқирозининг салбий оқибатлари узок вақт сақланиб қолди. Энг муҳими, барча араб ташкилотлари хавфсизликни таъминлаш, минтақавий можароларни ҳал қилиш учун дипломатик воситаларга таянгани ҳам минтақавий ва халқаро хавфсизлик учун катта аҳамиятга эга бўлган воқелиқдир.

XX асрнинг 90 йилларига келиб икки қутбли дунё рақобатининг барҳам топиши ва кўп қутбли рақобат ва кучлар нисбатининг ўзгариши натижасида Араб Давлатлари Лигаси, Ислом Олами Лигаси, Ислом Конференцияси Ташкилоти, ОПЕК каби йирик умум араб ташкилотларининг фаолияти янада кучайди.

Қолаверса, араб ташкилотларининг ўзларига қарши бўлган Исроил ва Ғарб давлатларига нисбатан нефтни сотишни чеклаш ва унинг нархини ошириш жараёнлари АҚШ ва Ғарбий Европа давлатларини араб давлатлари билан ҳисоблашга мажбур этди. Исроил ва араб давлатлари бир-бирини тушуниш зарурлигини англаб етишди. Ироқ ва Суриядан ташқари барча араб давлатлари Исроилни тан олиб, у билан дипломатик алоқаларни йўлга қўйдилар.

Араб Давлатлари Лигаси, Ислом Олами Лигаси, Ислом Конференцияси Ташкилоти, Фаластин озодлик ташкилоти қатъий ташаббуслари туфайли Исроил ҳукумати билан 1994 йил октябрь ойида Фаластинга мухторият мақоми бериш тўғрисидаги битимни имзоладилар. Бу даврда араб ташкилотларида Саудия Арабистони, Миср, Иордания, БАА, Сурия, Ливия давлатларининг таъсири кучли эди.

Кўп кутбли дунё шароитида умумараб интеграцияси яқин Шарқ муаммосини ҳал қилишни, умумараб бозорини шакллантириш, ҳар томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш, нефть соҳасидаги сиёсатни ягона қоидага мослаш, араб давлатларидаги исломий сиёсатни дунёвий давлат тамойилларига мослаш, диний экстремизмга қарши кураш, жаҳон иқтисодиёти билан ҳамкорликни мустаҳкамлашни бош мақсади ва вазифаси сифатида эътироф этди.

Араб Давлатлари Лигасининг 1996 йил июндаги саммитида Ҳусни Муборак араб дунёси учун ўзига хос машҳур фикрни айтди: “Араб давлатлари хом-ашё етказиб беришдан, маҳсулот ишлаб чиқарувчи, ҳар томонлама саноатлашган давлатга айланиш учун, авваламбор, умумий муаммоларни биргаликда ҳал қилиш, тараққиёт имкониятларидан

биргаликда фойдаланишлари ва ўзларининг минтақавий ташкилотларининг куч-қудратини Европа иттифоқи даражасига етказиш керак”<sup>1</sup>.

Демак, умумараб интеграциясининг самаралилигини янада мустаҳкамлаш биринчи навбатда Яқин Шарқ, Форс кўрфазидида хавфсизликни таъминлашга узвий боғлиқ. Мазкур минтақада хавфсизликни таъминлаш нафақат араб халқларининг ҳар томонлама тараққиётига, балки, жаҳон сиёсат майдони ва жаҳон бозорида ҳам барқарорликни таъминловчи асосий омиллардандир.

## **2.2. Араб дунёсининг иқтисодий, маданий, маърифий, жабҳалардаги ҳамкорлиги**

XX асрнинг иккинчи яримида дунёнинг барча минтақаларида интеграциялашув жараёни борарди. Бу ҳолат Яқин Шарқ, Арабистон ярим ороли, Шимолий Африкадаги араб мамлакатларида ҳам рўй бериш табиий ҳол эди. Мазкур минтақалардаги ривожланиш даражаси турлича бўлган араб давлатлари совуқ уруш шароитида Ғарб давлатлари ва социалистик лагер таъсиридан ҳимояланиш, исломий тараққиёт йўлини барпо этиш, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий муаммоларни биргаликда ҳал қилиш, ривожланишга хизмат қилувчи омилларни бирлаштиришни, иқтисодий қолоқлик ва қарамликни тугатиш мақсадида сиёсий интеграция замирида иқтисодий, маданий, маърифий интеграциялашув жараёнларига киришдилар. АҚШ ва Ғарб давлатларининг араб мамлакатларини иқтисодий қарамликда ушлаб туриш учун турли хил неоколониалистик сиёсатлари ва нефть устидан ўз назоратини кучайтиришга ҳаракат қилиш, араб давлатларига қарши Исроилни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши ҳам араб давлатларни “мусулмон бардамлиги” шиори остида бир-бири билан яқинлашишга мажбур этди. Халқаро майдонда бўлаётган илғор ўзгаришлар таъсирида араб

---

<sup>1</sup> Гиясов Б., Хасанов Э. Дипломатия Египта. Т., 2001, стр.50

давлатлари биринчи навбатда иқтисодий мустақилликни тиклаш зарурлигини, яъни, энг аввало миллий иқтисодиёт ва табиий бойликлар устидан ўз назоратини ўрнатиш зарурлигини тушуниб етдилар.

Жаҳон бозорида нефтга бўлган талабнинг ўсиши, нефть учун рақобат жараёнида араб дунёсига бўлган қизиқишнинг кучайиши араб давлатларини бу борада ҳал қилувчи чора-тадбирларни амалга оширишга ундарди. Энг нуфузли ва таъсири кучли бўлган, асосий нефть экспорт қилувчи араб давлати Саудия Арабистони раҳбарияти жаҳон бозоридаги нефтга бўлган қизиқиш ва халқаро нефт савдосидаги вазиятни пухта ўрганиб, бу борадаги умумараб интеграциясини шакллантиришнинг ташаббускори сифатида майдонга чиқди. Араб давлатлари ҳукмрон доиралари йирик давлатлар билан нефт соҳасидаги рақобатда хонавайрон бўлмаслик учун нефтнинг хом-ашё сифатидан баҳосини ошириш ва тайёр маҳсулотлар импортини йўқ қилиш билан иқтисодий мустақилликка эришиш мақсадида Саудийлар ва Венесуэла ташаббусларини кўллаб-қувватлаб чиқдилар. Натижада 1960 йил сентябр ойида Боғдодда Венесуэла ва Саудийлар ташаббуси билан нефт экспорт қилувчи араб давлатлари ташкилоти (ОПЕК) ташкил этилди. Ташкилотга дастлаб Саудия Арабистони, Венесуэла, Эрон, Ироқ, Қувайт бирлашди. Кейинчалик унга Ливия, Жазоир, Қатар, Нигерия, БАА, Габон, Индонезия, 2003 йилда Эквадор аъзо бўлди.

ОПЕКнинг бош мақсади 1961 йил Венесуэладаги конференцияда қабул қилган низомида тасдиқланди. Низомга кўра ОПЕК нефт қазиб олувчи аъзо мамлакатларнинг нефт экспорти сиёсатини мувофиқлаштирувчи ҳамда аъзо мамлакатларнинг манфаатларини ҳимоя қиладиган халқаро товар ташкилоти сифатида фаолият юритади<sup>1</sup>. Ташкилотнинг олий органи йилига 2 марта чақириладиган конференция бўлиб, унда иштирокчи мамлакатлар

---

<sup>1</sup>Валькова Л.В. Саудовская Аравия в международных отношениях. М., Наука, 1979, стр.447

стратегияси ва нархлар кўриб чиқилади ва тасдиқланади. Ташкилотнинг идораси Австрияда жойлашган.

ОПЕК нефт экспорт қилувчи араб давлатларининг манфаатлари йўлида нефтнинг нархини босқичма-босқич кўтариб борди. 1965 йил 25 январда Саудийлар ўзларига қарашли нефт конларида концессия асосида фаолият олиб бораётган инглиз ва америка компанияларига солиқларни ва нефтдан келаётган даромадларнинг ўзига ўтиши лозим бўлган ҳиссасини ошириш натижасида, нефтдан келаётган даромадлар 50 % га ошди. Бундай ҳаракатни 1969 йилда Ливия ҳукумати ҳам амалга оширди.

1971 йил 14 февралда Форс кўрфазини нефт экспорт қилувчи давлатлари Абу Даби, Эрон, Ироқ, Кувайт, Саудия раҳбарияти нефт экспортини мувофиқлаштириш учун ўзига хос ягона келишувга имзо чекдилар. Келишувга кўра нефть қазиб олишда иштирок этаётган чет эл монополияларидан олинадиган даромад солиқларни 55 % гача ошириш, нефт баррелининг нархини кўтариш кўзда тутилди.

ОПЕКнинг ташкил топиши араб мамлакатлари учун ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлди. Уларнинг ОПЕК ҳомийлигида ўз табиий бойликларига эгаллиги ва иқтисодий мустақиллиги секин-аста мустаҳкамланиб борди. Нефть экспортидан келаётган даромад араб мамлакатларининг тараққиётини белгиловчи муҳим омил бўлиб қолди. Халқаро майдонда умумараб манфаатини ҳимоя қилувчи ўзига хос иқтисодий санкция, яъни “нефть куроли” пайдо бўлди. Бу 1967 ва 1973 йилги Араб-Исроил урушларида бу куролнинг ишга тушганлиги яққол намоён бўлди: Араб давлатлари Араб-Исроил урушида Исроилга мадад бераётган АҚШ ва Европа мамлакатларига нефт етказиб беришни тўхтатиши оқибатида вақти-вақти билан ёқилғи-энергетика инқирозлари бўлиб турди. Бу инқирозлар араб нефтининг асосий истеъмолчиси бўлган АҚШ ва Ғарбий Европада иқтисодий бўҳронларга

сабаб бўлди. Биргина 1973 йил 13 апрелда ОПЕК қўллаб-қувватлаши билан Саудия раҳбарияти АҚШга экспорт қиладиган нефтни 20 млн. баррелга камайтирди. Нефть қазиб олишда араб давлатлари билан ҳамкорлик қилаётган йирик монополиялар “Басра Петролиум”, “Пейс Петролиум”, “Хейз”, “Сандер Энд Компани”ларнинг фаолиятлари чекланди. Йирик давлатлар умумараб номидан иш кўрувчи ривожланаётган араб давлатлари билан ҳисоблашиш лозимлигини тушуниб етдилар.

1970 йиллар ўрталари ва 80-йиллар бошида нефт экспорт қилувчи араб давлатларининг даромадлари катта миқёсга етди. ОПЕК аъзоларининг ташқи даромади 300 млрд. доллардан ошиб кетди. Шу даврда АҚШ ва Европанинг нефт компаниялари билан рақобат оқибатида араб давлатлари нефт қазиб олиш устидан ўз назоратини кукчайтиришга, нефтдан олинадиган даромадларида ўз ҳиссасини оширишга муваффақ бўлишди. ОПЕК аъзоларининг кўпчилиги даромадларини миллий иқтисодиётни юксалтириш, таълим, соғлиқни сақлашни ривожлантиришга сарфлади. Айримлари бўш турган маблағларини Ғарб давлатлари банкларига қўйдилар ва шу тариқа бу маблағлар “нефтедоллар” даб аталдилар. 1970-йилларда Саудия Арабистони нефт экспортдан келаётган даромаднинг 40 %ни, Қувайт 47%ни, Қатар 20%ни, Баҳрайн 45%ни тараққиётга сарфлади. Форс кўрфазидаги араб давлатларининг ҳамкорлик кенгаши ташкилоти ўзига аъзо давлатлар хўжаликларини оёққа турғазини учун 132 млрд. доллар сарфлади.

1970-йилларда араб дунёсидаги нефт соҳаси 24,9 %га, миллий маҳсулот 47,8 % га ўсди. Араб мамлакатларидаг нефтни қайта ишловчи корхоналарнинг йиллик қуввати 137-138 млн. тоннага етди. Саудия Арабистони, БАА, Қатар, Қувайт каби нефт экспорт қилувчи давлатлар энг ривожланган араб давлатлари бўлиб қолдилар. Фактлар шуни кўрсатадики, 11 та нефть экспорт қилувчи араб давлатларида 60-йилларда араб мамлакатлари аҳолисининг 62,3%, ялпи миллий маҳсулотнинг 73,4%, олтин-

валюта захираларининг эса 72% мавжуд эди. 80-йилларда бу мамлакатларда аҳолининг 64,8%, ялпи миллий маҳсулотнинг 90,8%, олтин-валюта захираларининг 93,4% бор эди<sup>1</sup>. Иқтисодий ва молиявий жиҳатдан кенгайиб бораётган нефт экспорт қилувчи араб давлатлари умумараб ташкилотлари билан келишган ҳолда Фаластин халқига, Шимолий Африкадаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар гирдобидаги араб давлатларига моддий ва молиявий ёрдамлар бера бошланди. Саноат интеграцияси ҳам ОПЕК замирида ривожланиб борди. Нефть, химия ва минерал ўғитлар ишлаб чиқариш жадал ривожланса-да, бу ривожланиш барқарор мас эди. бу жараён қуйидаги жадвалда ҳам ўз аксини топган<sup>2</sup>.

№	Мамлакат	Маҳсулот	Асосий экспорт маҳсулотининг умумий экспортдаги ўрни (%)					
			1960	1965й	1970й	1975й	1980	1986
1	Жазоир	Нефт хом ашёси	-	51,2	66,0	85,6	77,0	49,8
2	Баҳрайн	Нефт хом ашёси	-	-	75,7	82,4	89,0	86,6
3	Миср	Нефт хом ашёси	-	26	46	42	57,8	53,9
		Пахта хом ашёси	68,2	55,6	44,7	36,6	13,9	11,5
4	Иордания	Фосфорит лар	32,9	27,1	65,1	40,1	27,5	21,3
5	Ироқ	Нефт хом ашёси	95,3	93,2	93,7	98,6	99,5	98,6
6	Қатар	Нефт хом ашёси	-	-	96,1	97,2	95,0	91,4
7	Қувайт	Нефт хом ашёси	78,1	48,0	79,8	80,8	71,0	35,9

<sup>1</sup> <http://www.biblioteka.ru/Иванова> И.П. Особенности воспроизводства общественного продукта в арабских странах.М., 1987, стр.161. 265 МБт.

<sup>2</sup> [www.logal.ru/International Financikal Statistics\Yearbook\1986](http://www.logal.ru/International%20Financikal%20Statistics/Yearbook/1986). 120 МБт.

8	Ливия	Нефт	-	98,5	99,6	88,3	93,3	99,9
9	Мавритан ия	Темир рудаси	-	91,6	84,4	71,7	77,7	40,3
10	Марокаш	Фосфорит	23,7	25,4	23,2	55,0	31,2	22,2
11	БАА	Нефт хом ашёси	-	-	95,0	97,8	93,8	88,6
12	Уммон	Нефт хом ашёси	-	-	99,5	99,9	99,6	98,6
13	Саудия Арабисто ни	Нефт хом ашёси	93,5	98,6	90,7	93,1	88,3	88,3
14	Сурия	Нефт хом ашёси			16,7	69,1	63,3	49,6
		Пахта хом ашёси	43,2	43,5	40,0	12,5	8,0	14,8
15	Сомали	Нефт хом ашёси	24,9	42,0	53,2	65,4	85,1	72,8
16	Судан	Пахта хом ашёси	52,3	46,6	61,3	46,0	44,9	44,3
17	Тунис	Нефт хом ашёси			24,5	41,8	50,0	39,7
		Фосфорит	17,8	33,5	20,3	18,5	6,9	20,6

1973-1983 йилларда араб давлатларининг аҳоли жон бошига йиллик даромадларидан энг юқори кўрсаткич Саудия Арабистони ва Қувайтга тегишли эди. Бу икки мамлакатда йиллик даромадни аҳоли жон бошига тақсимлаганда 350-450 АҚШ долларига тенг келса, қолган араб мамлакатларида 120-150 долларидан ошмасди.

Араб дунёси ҳар томонлама интеграциялашишига киришишига қарамай уларнинг ҳаммаси ҳам ўзи кутган тараққийт даражасига эриша олмади. Бунинг асосий сабаби демографик вазиятнинг кескинлашиши, айрим араб давлатларидаги сиёсий беқарорлик, диний экстремизм, ривожланган давлатларги техник жиҳатдан қарамлик туфайли араб дунёсида истеъмол танқислигининг сақланиб қолаверди. Улар том маънодаги индустриал мамлакатга айлансагина истеъмол танқислигини енгиш мумкинлигини тушунган ҳолда, ривожланган давлатлар қаторидан жой олишга бўлган интилишлардаги ҳамкорликни давом эттирдилар. 1980 йиллар бошларида халқаро меҳнат тақсимоотида араб мамлакатлари ўзига яраша салмоқли ўринга эга эди. Жумладан, шу давргача араб мамлакатлари собиқ социалистик мамлактлардан ташқари жаҳон бозоридаги нефть экспортининг 51% дан 66% гачасини ўз қўлига олган бўлса, социалистик мамлакатлардан ташқаридаги жаҳон газ захирасининг 26,6% ни, фосфоритларнинг 35% ни ўз қўлларида тўплаган эди. Бироқ 80 йиллар ўрталаридаги жаҳон ёқилғи-энергетика инқирози араб мамлакатларининг ҳам ҳиссасини кескин пасайтириб, юборди.

Нефть қазиб олиш ва экспорт қилиш 912 млн тоннадан 520 миллион тоннагача камайиб кетди<sup>1</sup>. Энг бой араб давлатларида ҳам аҳоли турмуш даражаси кескин пасайиб келди. Ички имкониятларни ишга солиш, шунингдек, минтақавий ташкилотлар томонидан берилган молиявий ёрдамлар, йирик давлатлар томонидан киритилган сармоялар эвазига иқтисодий, ижтимоий танглик бартараф этилди. Араб мамлакатларининг ислом тамойилларига асосланган тараққиёт йўлидан бориш ва буни мустаҳкамлашга бўлган интилишлар, шунингдек иқтисодий интеграция замирида молиявий соҳалардаги интеграциялашуви ҳам рўй бериш табиий эди.

---

<sup>1</sup> Исаев В.А. Наушкин В.В. Арабский мир: три десятилетия независимого развития. М., Наука, 1990, стр. 14

Молиявий интеграция замирида йирик банклар пайдо бўлди. Булардан энг йириги 1974 йилда Ислом Конференцияси Ташкилоти ташқи ишлар вазирлигининг Лоҳуридаги йиғилишда тузилган “Ислом тараққиёти банки”дир. Банк ўз фаолиятини 1975 йилда бошлаган. Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрида жойлашган, Ислом Конференцияси Ташкилоти раҳбарлигида иш олиб боради. Ислом Тараққиёт Банкни бошқарувчи олий органлар бошқарувчилар кенгаши ва Директорлар кенгашидан иборат, улар банк президенти 5 йил муддатга сайлайдилар. 80 йилларда 39 мусулмон мамлакати ва Фаластин озодлик ташкилоти аъзо бўлди. Банк ўз мақсадини “мусулмон мамлакатларининг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётига ёрдам беришдан иборат” деб эълон қилган. Исломда пулга фойздан фойда олиш таъқиқланганлиги туфайли банкка қўйилган заёмлар ва депозитлар учун процент олинмаслиги ва берилмаслиги банк низомида тасдиқланди. Банкда пул бирлиги сифатида ислом динори қабул қилинган ва низом бўйича 2 миллиард ислом динорига тенг бўлиши керак. Асосий капиталдан ташқари ислом тараққиёт банки бошқа ресурсларга жумладан, депозитлар, тўланган заёмлар ва хилма-хил лойиҳаларда иштирок этишдан келган даромадлар, закотни қабул қилиш ва банкнинг соф фойдасида 2,5% ни закот сифатида ажратишдан, банкка пайчи бўлмаган мамлакатлардан мусулмон жамоаларига ёрдамга тушадиган маблағлар ва бошқа даромадларга эга. 80 йилларда бошларида банкнинг қарийб 2,5 миллиард доллар маблағи мавжуд эди. Унинг асосий пайчилари берган маблағнинг суммасига қараб бошқарувчилар кенгашида овозга эга бўладилар. Бу механизм туфайли банк фаолиятида нефт экспорт қилувчи араб давлатлари ҳал қилувчи рол ўйлай бошладилар. Масалан, Саудия Арабистонинг 80 йиллар бошларида Ислом Тараққиёт Банкига қўшган хиссаси 25,64% ни ташкил қилгани учун бошқарувчилар кенгашида 21,36% овозга эга, шунга мувофиқ равишда Ливия-16,03%-13,54%, БАА 14,10%-11,98%, Қувайт 12,82%-10,94% га эга. Шундай қилиб, нефть доллари

ҳисобига бойиган бу тўрт давлат капиталининг 68,6% ни бергани учун 58% овозга эга бўлди. Ислон тараққиёт банки мусулмон мамлакатлари жумладан, араб мамлакатларидаги нефть, қурилиш, саноат, савдо ва бошқа соҳалардаги лойиҳаларни пул билан таъминлаб борди.

Банк шариатнинг рибоъни таъқиқлаш қоидасини бузмаслик учун фойда олиш фаолиятини шариатга хос уч усулда олиб боради; Мушорака (арабча-шериклик) маълум лойиҳани бошқа ташкилот билан шериклик асосида бошқариш ва олинган фойдани шартнома асосида бўлиб олиш; мудораба (арабга-рақобат) банк капитали билан саноат капитали бирга қўшилиб, лойиҳадан келган фойда ёки зарар шартнома асосида тақсимланади; муробаха (арабга-биржа савдоси) банк шартнома асосида комиссия нархларда лойиҳа учун лозим бўлган товарларни сотиб олишни таъминлаб туради. Шариатга хос бу йўллар очик равишда пулга фоиз олишни инкор этиб, банк маблағи билан амалга оширилган лойиҳаларнинг даромадидан олинган улуш сифатида келиб тушса-да, ҳар ҳолда унинг оладиган фойдаси жаҳондаги бошқа молия-кредит ташкилотларининг фойдасидан қолишмас эди. Ислон тараққиёт банки орқали араб давлатлари ўртасида молия, иқтисод соҳаларидаги ўз манфаатларини мувофиқлаштириб бордилар.

Иқтисодий, молиявий интеграция жараёнида бир мунча ривожланган, ривожланаётган ва сиёсий беқарорликлар гирдобидаги араб давлатлари ажралиб турарди. Мазкур жабҳалардаги интеграциялар шароитида умумараб минтақавий ташкилотларининг сиёсий, иқтисодий, молиявий мавқеи мустаҳкамлашиб борди. Бу эса маданий, маърифий жабҳалардаги интеграциянинг самаралилигини ҳам таъминлади. XX аср иккинчи яримида совуқ урушнинг авж олиши шароитида мафкуравий курашлар авж олган, шунингдек, йирик давлатларнинг араб дунёсига турли йўналишлардаги экспансияси, жумладан ислонга қарши ғоявий хуруж авж олган даврда,

исломий тараққиёт йўлини, миллий ўзликни сақлаб қолиш учун фан-техниканинг илғор ютуқларини замонавий ислом арконларига мослаб жорий этиш, комил мусулмон шахсни тарбиялаш, фан, таълим, маданиятни сақлаб қолиш учун бўлган интилишлар маданий, маърифий, илмий соҳалардаги интеграциялашувни тақозо этарди.

Умумараб ташкилотлари араб мамлакатларидан йиғилган закот, садақа, вақфлар солиқлар ҳисобига, шунингдек иқтисодий, молиявий ташкилотлар ёрдамлари эвазига ислом бирдамлигини, ислом модернизмини ривожлантириш, аҳволи оғирлашган қардош араб халқларига (айниқса фаластинликларга) инсонпарварлик ёрдамларини кўрсатиб борди.

Энг нуфузли ташкилотлардан бири бўлган Ислом Олами Лигаси ғоявий, маърифий тарғибот маркази сифатида, ижтимоий-сиёсий сафарбарликни таъминлаш учун масжидларнинг фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор берди. 1975 йил Ислом Олами Лигасининг Маккадаги конференцияси “Бутунжаҳон масжидларининг Олий Кенгаши” ташкил этилди. Уни ташкил этишда Ал-Азҳар университетининг имомларининг ўрни катта бўлди. Унга барча араб мамлакатлари диний бошқармалари аъзо бўлдилар. Маданий, маърифий, маънавий интеграция жараёнида сионизм, атеистик коммунизм, Ғарб мафкуралари исломга таҳдид сифатида баҳоланиб, уларга қарши тарғибот-ташвиқот ишлари борган сари кучайтириб борилди. Ислом Олами Лигаси, Ислом Конференцияси Ташкилоти нафақат араб, балки бошқа минтақаларда ҳам исломий тарғиботни, мусулмон аҳолисига инсонпарварлик ёрдами кўрсатишни кучайтирди ва давом эттирди.

Жумладан, бу икки ташкилотнинг 1982 ноябридаги йиғилишида Франция, Буюк Британия, Испания, Швеция, Дания, Бельгия, Швейцария, Голландия, Югославия, Италия давлатлари иштирок этиб, унда Европа

қитъасида яшаётган мусулмонлар учун диний ташкилотлар ташкил этиш, имомларнинг малакасини ошириш, ислом таълимоти ва тарихини, араб тили ва ёзувини ўрганувчилар учун махсус марказлар очиш муҳокама этилди.

Ислом бирдамлиги, исломий тараққиёт йўлини тарғиб этиш мақсадида араб дунёси миллийлигига таҳдид сифатида баҳоланган сионизмга, атеизмга қарши тарғибот ишлари янада авж олдирилди. Шу мақсадда Ислом Олами Лигаси Шимолий Африкадаги араб мамлакатларидаги ислом олий ўқув юртларини қуриш ва таъмирлаш учун 1980 йилда 4 миллион риал сарфланди. Мазкур қурилишларда исломий тарғиботни амалга ошириб, исломий тартибларни қарор топтиришдан манфаатдор бўлган Саудия Арабистонининг роли катта бўлди. Араб дунёсида ҳар томонлама гегемонликка интилган Саудийлар Ливандаги масжидлар қурилишига 25 минг риал, Суданга 156 минг риал маблағ ажратилди ва сарфланди<sup>1</sup>.

Умумараб ташкилотлари мафкуравий курашлар жараёнида оммавий ахборот воситаларининг фаолиятларини ҳар томонлама ривожлантириб боришга катта эътибор қаратди. Бунинг замирида исломни, араб халқлари миллийлигини Европа мафкураларидан, неоколониализмдан асрашга, араб халқларида бундай ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни кучайтиришга қаратилган эди. Бу борада араб давлатларининг сиёсатлари ягона қолипга тушиб борди. Натижада 1972 йилда “Ислом Ахборот Агентлиги”, 1975 йилда “Ислом давлатлари радиоэшиттирув ва телевидение хизматлари ташкилоти” ташкил топди. 1979 йилда “Ислом матбуот нашрлари Маркази” ташкил этилди. Бу ташкилотлар 80-йилларда араб мамлакатларига қарши ғоявий кампанияни авж олдирган “Би-Би-Си”га қарши ғоявий рақобатга киришди.

---

<sup>1</sup> Шарикова Р.М. Панисламизм сегодня. М,Наука, 1986. Стр.112

Муҳаммад Али ал-Харакан раҳбарлигидаги “Ислом давлатлари оммавий ахборот воситалари юқори Кенгаши” ислом тарихи, адабиёти, санъатини тадқиқ этиш, мафкуравий тарғиботни кучайтириш мақсадида араб давлатларида ислом ҳақида фильмлар, эшиттиришлар ва матнларни кўпайтиришни рағбатлантирди. “Ахбор ал-олам ал-исломий”, “Робита ал-олами ал-исломий” журналларининг нашр сони бир неча баробар кўпайтирилди. Умумараб ташкилотларининг анъанавий анжуманларида араб мамлакатлари хавфсизлиги, барқарор тараққиётига таҳдид солаётган, эски исломий халифаликни тиклашни талаб қилаётган диний экстремизмга қарши кураш авж олди.

Умумараб ташкилотлари йиғилишларида атоқли руҳонийлар фан-техника инқилоби дегуманизация –инсоний фазилатларнинг емирилишига сабаб бўлиши мумкинлигини, унга қарши эса исломий тарғибот ва тартибни жорий этиш комил инсонни тарбиялашнинг энг тўғри йўли ва биринчи шarti сифатида қайд этдилар. Ислом Олами Лигаси ва Ислом Конференцияси Ташкилоти миссионерлик фаолиятини ва кадрлар тайёрлашнинг сифатини яхшилаш мақсадида асосан Жиддадаги қирол Абдул Азиз номидаги университетни, Қоҳирадаги ал-Азхар университетини фаолиятини ривожлантиришга катта эътибор берди. Дунё миқёсида фан-техника инқилобининг ютуқларининг тарқалиши, бозор муносабатларининг ривожланиши, демократияни жорий этилиши жараёнларининг фаоллашуви жараёнида мазкур замонавий жараёнлар билан уйғунлашган ўзига хос исломий тараққиёт йўли такомиллашиб борди. Умумараб ташкилотлари ялпи замон ўзгаришлари билан ҳисоблашиб, араб мамлакатларида ислом арконларига мослашган дунёвий ислохотларни амалга оширдилар. Дунёвий мактаблар, ўрта-махсус ва олий ўқув юртларини қуриш кучайиб борди.

Ислом Олами Лигасининг бош котиби Абдурахмон Умар Носир ташаббуси билан 1983 йилда "Ислом ҳуқуқи Академияси“ тузилди. Академия

араб мамлакатларида шариат судларининг такомиллаштириш, оила, жамият, ижтимоий, маънавий, ахлоқий муаммоларини замон талабалрига мос равишда ҳал қилишга ҳаракат қилди.

Ислом Олами Лигаси, Ислом Конференцияси Ташкилоти 1981 йилни “Қуръон йили” деб эълон қилди. Қуръоннинг нашрлари кўпайтирилиб, турли тилларга таржима қилинди. Шу йилда Тунисда Аз-Зитун университетида “Ислом маданияти” мавзусида, Дакарда “Ислом ва замонавийлик” мавзусида, Исломободда “Исломнинг дунё маданиятига таъсири” мавзусида араб ва ислом ташкилотлари конференциялари бўлиб ўтди. Илмий, маданий, маърифий соҳалардаги умумараб интеграцияси замирида ислом цивилизацияси замонавий глобаллашув жараёнларинингилфор ютуқлари билан уйғунлашиб бориши натижасида ХХ асрнинг 90-йилларига келиб араб дунёсида илм-фан, адабиёт, санъат, спорт, саводхонлик даражаси ривожланди. Сиёсий, иқтисодий, молиявий соҳалардаги интеграция ривожланаётган араб дунёсининг жаҳон сиёсатида, халқаро меҳнат тақсимотида, дунё мафкуравий манзарасида ўзига хос ўрин эгаллашига сабаб бўлди.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, унчалик ривожланмаган араб давлатлари – Ироқ, Жазоир, Судан кабиларнинг ривожланиши биринчи навбатда сиёсий барқарорликни таъминлашга боғлиқ бўлса, Фаластин мухториятининг ривожланиши Исроил таъсиридан халос бўлишга боғлиқ бўлиб қолмоқда. Араб давлатлари мазкур давлатлардаги сиёсий беқарорликка барҳам бериш, фаластинликларнинг тарихий ҳуқуқларини тиклаш, ишсизлик ва бошқа муаммоларининг ечимини топиш учун халқаро ташкилотлар билан ҳам самарали алоқалар ўрнати йўлидан бормоқда. Араб дунёсининг ўз хавфсизлигини таъминлаши, долзарб муаммоларининг тезроқ ва ижобий ҳал қилиниши, уларнинг ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаб, ҳар томонлама тараққий этишига боғлиқдир.

## ХУЛОСА

Араб дунёсидаги бугунги ютуқлар, муаммолар, зиддиятлар ва кескин ўзгаришлар, турли жабҳалардаги умумараб интеграциясининг шаклланиши XX асрнинг иккинчи ярмига бориб тақалади. Шунинг учун ҳам Араб дунёсининг XX аср иккинчи ярмидаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий аҳволини ва турли жабҳалардаги интеграция жараёнларини ўрганиш ва тегишли хулосалар чиқариш муҳим аҳамият касб этади.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг араб дунёси ўзига хос ўтиш даврининг синовини бошидан кечирди. Араб жамиятидаги турли қатламлар турлича жамиятда яшашни орзу қилардилар. Ҳар бир одам ўз мавқеи, манфаати ва дунёқарашидан келиб чиқиб, турлича тараққиёт моделига овоз берарди. Эски консерватив кучлар (руҳонийлар, амирлар) монархия ёки диктатурани маъқулласалар, илғор зиёлилар, тадбиркор-бизнесменлар ва бошқа ўрта қатлам вакиллари либерал бозор муносабатларига асосланган ҳар томонлама эркин демократик тузум учун овоз берар, аҳволи ниҳоятда оғир бўлган қуйи қатлам вакиллари ўша даврдаги оммавийлашаётган тараққиёт йўли ижтимоий ҳимоя ва тенгликни тарғиб этувчи социализм учун овоз бердилар.

Мана шу ҳолнинг ўзиёқ Араб дунёсида турлича моделлар (ҳарбий, диний, президентлик демократик республикаси ва бошқалар)ни синовидан ўтишга сабаб бўлди. Тараққиёт моделларнинг тез-тез алмашинуви нафақат ички сабаблар, балки йирик давлатларнинг минтақада юритаётган сиёсати билан ҳам боғлиқ эди. Минтақадаги ўзгаришлар йирик давлатларни янгича ташқи сиёсат юритишга сабаб бўлиб, минтақа халқаро муносабатлар тизимида ўзига хос йирик давлатларнинг энг кучли рақобат маркази бўлиб қолди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин дунёдаги таъсир доираларини янгилашга бўлган ҳаракатлар анча интенсивлаша борди. Бундай ҳолат

Арабистон ярим ороли ва Шимолий Африкадаги араб давлатларининг ички ва ташқи ишларида ҳам сезила борди.

АҚШ, Собик Совет Иттифоқи, Англия, Франция каби фашизм устидан ғалаба қозонган йирик давлатлар муҳим географик ва стратегик аҳамиятга эга бўлган Арабистон ярим оролида ўз таъсирини мустаҳкамлаш учун кескин рақобат олиб бордилар. Англия ва Франция минтақанинг эски хўжайинлари бўлиб, уларнинг асосий мақсади АҚШ ва СССР каби янги рақобатчилардан ўз мулкларини ҳимоя қилиш, ярим оролдаги миллий-озодлик ҳаракатларини бостириш ва ўз ҳукмронлигини сақлаб қолиш эди. Бу масалаларнинг ижобий ҳал этилиши учун улар барча чора-тадбирларни амалга ошириш бўлса, АҚШ ва СССР араб дунёсининг Англия ва Франция билан эски зиддиятларни кучайтириш, шу йўл билан, Англия ва Францияни заифлаштириш ва араб дунёсида ўзларининг янгича ҳукмронлик тартибларини қарор топтириш учун барча воситаларни ишга сола бошладилар.

Мазкур давлатлар ушбу мақсадларни рўёбга чиқариш учун араб дунёсида бўлаётган барча сиёсий, иқтисодий, маънавий ва маърифий ўзгаришлардан ва зиддиятлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилардилар.

1960 йилларга келиб араб давлатлари мустамлакачиликнинг янги кўринишига барҳам бериш, ижтимоий, иқтисодий, маънавий, сиёсий, ҳудудий муаммоларни ҳал қилиш, енгил ва оғир саноат, товр-пул муносабатлари, ички ва ташқи савдони ривожлантириш, исломни янги замонга мослаштириш, халқаро майдонда ривожланган давлатлар қаторидан жой олиш ва халққа муносиб турмуш даражасини яратиш бериш учун бир-бирлари билан ҳар томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиб, ўзига хос интеграция жараёнига киришдилар<sup>1</sup>.

Фаластин маммосини ҳал қилиш ва мустамлакачиликнинг янгича шаклларига қарши курашиш учун ижтимоий, ҳудудий муаммоларни ҳал

қилиш, араб бирдамлигини таъминлаш 1962 йилда ташкил топган Ислом Олами Лигаси, 1964 йилда ташкил топган Африка-Осиё ислом ташкилоти, 1969 йилда тузилган Ислом Конференцияси Ташкилотини шундай ҳаракатларга қаратилган ташкилотлар сирасига киритишимиз мумкин. Африка-Осиё ислом ташкилоти 1970 йил Бандунгдаги конференциясида “Жаҳон ислом конференцияси” номини олган. Мазкур ташкилот мавжуд барча мусулмон ташкилотларни бирлаштиришни ўзининг асосий вазифаларидан бири деб эълон қилди. Бу ташкилотлар ва уларнинг араб интеграцияси жараёнларидаги ўрни ҳақида иккинчи бобда алоҳида тўхталиб ўтамиз ва тегишли маълумотлар берамиз.

Иқтисодий ҳамкорлик жабҳасида янги интеграция ташкилотлари вужудга келди. 1974 йилда Лахўрда Ислом Тараққиёти Банки тузилди. Банк ишида ислом принципларини яратиш ва мустаҳкамлаш мақсадида, банк ишларида ислом нормалари таъқиқлаган судхўрлик (Рибоъ)ни янги замонавий ислом тамойилларига мослаб жорий этиш кўзда тутилган. Мазкур банк ўз фаолиятини 1975 йилдан бошлади. Ташкилотнинг штаб-квартираси Жидда шаҳрида жойлашган бўлиб, Ислом конференцияси ташкилоти раҳбарлигида иш олиб боради. Мазкур банк асосан динор пул бирлиги билан молиявий операциялар амалга ошириши унинг мақсад сари қўйган кадамларини янада таъкидлайди.

Кейинчалик нефт экспорт қилувчи араб давлатлари нефт қазиб олиш ва экспорт қилиш соҳасида ҳам ҳамкорликда фаолият юритиш мақсадида “Нефт экспорт қилувчи давлатлар ташкилоти”-ОПЕКка бирлашдилар.

Араб дунёсида кечган интеграция жараёнларидан шундай хулосага келиш мумкин. Биринчидан, иккинчи жаҳон урушидан сўнг араб давлатлари барқарор тараққиёт йўлига кириб олдилар. Иккинчидан, халқаро хўжалик системасига интеграциялашиб бордилар. Ва ниҳоят, ривожланиб бораётган давлатлар юқори поғонасидан жой ола бошладилар.

---

<sup>1</sup> Медведко Л.И., Германович А.В. Именем Аллаха. М., Политической литературы, 1988, стр.86

XX асрнинг 90 йилларига келиб икки қутбли дунё рақобатининг барҳам топиши ва кўп қутбли рақобат ва кучлар нисбатининг ўзгариши натижасида Араб Давлатлари Лигаси, Ислом Олами Лигаси, Ислом Конференцияси Ташкилоти, ОПЕК каби йирик умум араб ташкилотларининг фаолияти янада кучайди.

Умумараб интеграциясининг самаралилигини янада мустаҳкамлаш биринчи навбатда Яқин Шарқ, Форс кўрфазида хавфсизликни таъминлашга узвий боғлиқ. Мазкур минтақада хавфсизликни таъминлаш нафақат араб халқларининг ҳар томонлама тараққиётига, балки, жаҳон сиёсат майдони ва жаҳон бозорида ҳам барқарорликни таъминловчи асосий омиллардандир.

XX асрнинг иккинчи яримида дунёнинг барча минтақаларида интеграциялашув жараёни борарди. Бу ҳолат Яқин Шарқ, Арабистон ярим ороли, Шимолий Африкадаги араб мамлакатларида ҳам рўй бериш табиий хол эди. Мазкур минтақалардаги ривожланиш даражаси турлича бўлган араб давлатлари совуқ уруш шароитида Ғарб давлатлари ва социалистик лагер таъсиридан ҳимояланиш, исломий тараққиёт йўлини барпо этиш, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий муаммоларни биргаликда хал қилиш, ривожланишга хизмат қилувчи омилларни бирлаштиришни, иқтисодий қолоқлик ва қарамликни тугатиш мақсадида сиёсий интеграция замирида иқтисодий, маданий, маърифий интеграциялашув жараёнларига киришдилар.

Араб дунёси ҳар томонлама интеграциялашишига киришишига қарамай уларнинг ҳаммаси ҳам ўзи кутган тараққийт даражасига эриша олмади. Бунинг асосий сабаби демографик вазиятнинг кескинлашиши, айрим араб давлатларидаги сиёсий беқарорлик, диний экстремизм, ривожланган давлатларги техник жиҳатдан қарамлик туфайли араб дунёсида истеъмол танқислигининг сақланиб қолаверди. Улар том маънодаги индустриал мамлакатга айлансагина истеъмол танқислигини енгиш мумкинлигини тушунган ҳолда, ривожланган давлатлар қаторидан жой олишга бўлган интилишлардаги ҳамкорликни давом эттирдилар. 1980 йиллар боҳларида

халқаро меҳнат тақсимотида араб мамлакатлари ўзига яраша салмоқли ўринга эга эди.

Иқтисодий, молиявий интеграция жараёнида бир мунча ривожланган, ривожланаётган ва сиёсий беқарорликлар гирдобидаги араб давлатлари ажралиб турарди. Мазкур жабҳалардаги интеграциялар шароитида умумараб минтақавий ташкилотларининг сиёсий, иқтисодий, молиявий мавқеи мустаҳкамлашиб борди. Бу эса маданий, маърифий жабҳалардаги интеграциянинг самаралилигини ҳам таъминлади. XX аср иккинчи яримида совуқ урушнинг авж олиши шароитида мафкуравий курашлар авж олган, шунингдек, йирик давлатларнинг араб дунёсига турли йўналишлардаги экспансияси, жумладан исломга қарши ғоявий хуруж авж олган даврда, исломий тараққиёт йўлини, миллий ўзликни сақлаб қолиш учун фан-техниканинг илғор ютуқларини замонавий ислом арконларига мослаб жорий этиш, комил мусулмон шахсни тарбиялаш, фан, таълим, маданиятни сақлаб қолиш учун бўлган интилишлар маданий, маърифий, илмий соҳалардаги интеграциялашувни тақозо этарди. Умумараб ташкилотлари араб мамлакатларидан йиғилган закот, садақа, вақфлар солиқлар ҳисобига, шунингдек иқтисодий, молиявий ташкилотлар ёрдамлари эвазига ислом бирдамлигини, ислом модернизмини ривожлантириш, аҳволи оғирлашган қардош араб халқларига (айниқса фаластинликларга) инсонпарварлик ёрдамларини кўрсатиб борди.

Илмий, маданий, маърифий соҳалардаги умумараб интеграцияси замирида ислом цивилизацияси замонавий глобаллашув жараёнларинингилғор ютуқлари билан уйғунлашиб бориши натижасида XX асрнинг 90-йилларига келиб араб дунёсида илм-фан, адабиёт, санъат, спорт, саводхонлик даражаси ривожланди.

Шундай қилиб, иккинчи жаҳон урушидан сўнг араб мамлакатлари жамиятнинг турли соҳаларида тараққиётга эришиш учун тарли туман халқаро ташкилотларни тузиб, уларга аъзо бўла бршладилар, сиёсий,

иқтисодий, маданий, маънавий соҳалардаги интеграциялашув жараёнлари ўэса ўз навбатида бу мамлакатлар аҳоли турмуш даражасини, ЯИМни, давлатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузини кўтарилишига олиб келди.

## **Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**

1. Каримов И. “ХавФсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида” Т: “Ўзбекистон” 1998.
2. Авторлар коллегияси “Заковат силсиласи”ҒҒ Тафаккур 2001 № 1
3. [www. bank referatov.ru](http://www.bank-referatov.ru)
4. [www. dipomatus.ru](http://www.dipomatus.ru) Нартов Н. “Геополитика” М., “Юнити” 2000.
5. [www. logal.ru](http://www.logal.ru)International Financikal StatisticdsҒYearbookҒ1986.
6. [www.biblioteka.ru](http://www.biblioteka.ru) Иванова И.П. Особенности воспроизводства общественного продукта в арабских странах.
7. Агаев С.Л. Иран в прошлом и настоящем. М.Наука. 1981.
8. Агарўшив А. Джамал Абдель Насер. М: «Молодая Гвардия» 1975.
9. Афияк М. На пути БААС. Бейрут. 1975.
- 10.Васильев А.М. История Саудовской Аравии. М.,Наука, 1978.
- 11.Вобликов Д.Р., Кинтев С.П. Новейшая история арабских стран. М.Наука. 1967.
- 12.Гегемонизм: с эпохой в конфликте. М-1982.
- 13.Исаев В.А., Наушкин В.В. Арабский мир М: Наука 1990.
- 14.Кальвокоресси П. Мировая политика после 1945 года. М., “Международные отношения”. 2000.

- 15.Медведко Л.И., Германович А.В. Именем Аллаха. М., Политической литературѣ, 1988.
- 16.Сиёсий партиёлар справочник Т. Ўзбекистон. 1988.
- 17.Ульяновский Р.А Неоколониализм США и слоборазвитие стран Азии. М. Восточная литература. 1963.стр..69
- 18.Хамруш А. “Революция 23 июля 1952 г. в Египте”. М.Прогресс 1984.
- 19.Ханов А. «Арабский княжества персидского залива в международнѣх отношениях 1945-1953 гг.» М: Наука, 1967
- 20.Хидаятов Г.А. Всемирная история. Т: 2000 й.
- 21.Шарикова Р.М. Панисламизм сегодня. М,Наука, 1986. Стр.112
- 22.«Эхо планетѣ». № 12, март, 1989.
- 23.“Ўзбекитон миллий энциклопедияси” Т: “Давлат миллий нашриёти” 2000 йил.
- 24.Ғафуров С. “Манфаатларни туташтирган минтақа”ҒҒ Тафаккур 2001 №3

# МУНДАРИЖА

**КИРИШ**\_\_\_\_\_

**I БОБ. ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАН  
СЎНГ АРАБ ДУНЁСИДАГИ ВАЗИЯТ**

**1.1. Араб давлатларининг сиёсий, иқтисодий  
ва ижтимоий аҳволи**\_\_\_\_\_

**1.2. Араб давлатлари халқаро муносабатлар  
Тизимида**\_\_\_\_\_

**II БОБ. XX АСР ИККИНЧИ ЯРМИДА АРАБ  
ДУНЁСИДАГИ ИЛҒОР ЎЗГАРИШЛАР**

**2.1. Сиёсий соҳадаги умумараб интеграцияси**\_\_\_\_\_

**2.2. Араб дунёсининг иқтисодий, маданий,  
маърифий, жабҳалардаги ҳамкорлиги**\_\_\_\_\_

**ХУЛОСА**\_\_\_\_\_

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**\_\_\_\_\_